

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



“Коррупцияга қарши курашиш” илмий-таълим маркази

“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси

УСМОНОВ НОДИР ХОЛИҚЖОНОВИЧНИНГ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА СОҶАВИЙ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ
(Молия органлари тизимида)**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Е.В.Коленко

Илмий маслаҳатчи: Э.Т.Ҳожиёв (ю.ф.н. проф)

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-10
I. МОЛИЯ СОҲАСИ СИФАТИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1.1 Молия соҳасида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг назарий ҳуқуқий тахлили.....	11-25
1.2 Давлат харидларида коррупцияга қарши курашиш усуллари ва унинг хусусиятлари.....	26-41
II. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	
2.1 Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ташкилотларнинг тавсиялари.....	42-54
2.2 Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси.....	54-65
III. МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ.....	66-75
ХУЛОСА.....	76-81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82-89
ИЛОВА.....	90-93

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аснинг бошларига келиб коррупция, унга қарши курашиш барча давлатлар учун умумий характер касб эта бошлади ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг 8-Конгресси қарорида таъкидланганидек глобал муаммога айланди. У турли шаклларда намоён бўлиб, давлат бошқарув органларининг барча тармоқларига сингиб боради ва энг хилма-хил ижтимоий муносабатларга таъсир қилади. Коррупция қонунлар ижросига катта тўсиқ бўлади ва давлатни ислоҳ қилишга йўл қўймайди.

Коррупция ҳар қандай шароитга мослашишда юқори хусусиятга эга. Унинг турлари мунтазам равишда ўзгариб ва такомиллашиб боради. Латентлилик унинг асосий хусусиятидир. Шунинг учун бу ҳолат тўғрисида ҳеч қайерда тўлақонли маълумотлар йўқ.¹

“Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунки суд-ҳуқуқ ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширилиши тўғридан-тўғри коррупцияга қарши курашиш фаолиятига боғлиқ бўлади”.²

Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” ташкилотининг маълумотларига кўра, айти дамба дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига 1 триллион доллардан ортиқ маблағ жиноий тарзда ўзлаштирилмоқда.³

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ кунги Ўзбекистон Республикаси Олий

¹Р.А.Зуфаров. Порахўрлик – коррупция негизи. Т.:ТДЮИ, Давлат ва ҳуқуқ. №4, 2000. Б-41

² Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно- 2 практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».-Ташкент: Chashma Print, с.110-118

³ Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O‘quv qo‘llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo‘jaqulov; mas’ul muharrir I Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2017. – 5 b.

Мажлисига қилган Мурожаатномасида такидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий иш билармонлик ва инвестиция мухитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.”⁴

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтиб ўтишимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий муаммолари мавжуд экан, ушбу иллатга қарши олиб борилаётган барча чоралар ўзининг самарасини бермаслиги мумкин. Чунки ушбу муаммолар тизимли ва чуқур илдиз отган муаммолардир.

Ўрганишлар ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан коррупция анча юқори бўлишини кўрсатмоқда. Коррупциялашган мамлакат иқтисодиётида ресурслар ҳам самарасиз тақсимланади, сабаби тўғри йўл билан ғалаба қозона олмайдиган компаниялар, кўпинча, порахўрлик ёки улуш бериш эвазига давлат буюртмаларига ва лойиҳаларига эга бўлишади. Молиявий оқимларнинг катталиги туфайли давлат харидлари фирибгарлик ва коррупция тузоғига тушиши эҳтимоли юқори бўлган энг заиф йўналишлардандир. Иқтисодиётнинг коррупциялашиши таълим ва соғлиқни сақлаш сифатининг ёмонлашишига, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг умумий турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатлардаги ўртача даромад коррупция даражаси паст бўлган мамлакатларникига нисбатан сезиларли даражада паст бўлишини халқаро ташкилотлар эътироф этадилар.

Бизга маълумки, молия тизимидаги коррупция ҳолатлари коррупциянинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда давлат бюджети маблағларини талон-торож қилиш билан характерланади. Халқаро

⁴ Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь, Интернет манзили: <http://uza.uz>.

ташкilotлар, хусусан Жаҳон банки маълумотларига кўра давлат харидлари соҳаси энг кўп коррупцияга дучор бўлувчи соҳа ҳисобланади.⁵

Ҳисоб палатасининг Олий Мажлисга тақдим этган ҳисоботида кўра, “2021 йилда давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда 971,1 млрд сўмлик манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган. Қурилиш соҳасининг ўзида эса **3,5 трлн. сўмлик** тендер савдоларида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган”.⁶

Мазкур статистик маълумотлардан кўринадикки, давлат харидлари соҳасида коррупция кўринишлари юқориликча қолмоқда. Республикада соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6013-сонли Фармон⁷и асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифаларидан бири коррупцияга қарши курашишни амалга ошириш билан бирга давлат харидлари жараёнида бюджет маблағларини турли йўл ва механизмлар орқали ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилишини олдини олишдан иборат.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳисоботида кўра эса, “2021 йилда давлат харидлари бўйича 452 та тендер савдоларида **145,3 млрд. сўм** миқдорида қонун ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган”.⁸

Ривожланган давлатларда коррупцияга қарши комплекс тадбирлар, яъни бир томондан қонунчиликни, иккинчи томондан сиёсий ва ҳуқуқий амалиётни етарлича ишлаб чиққанига қарамасдан, давлатларнинг миллий харидлар тизимида юзага келаётган кўплаб коррупция можаролари бу иллатни тўлиқ бартараф этиш имкони йўқлигини кўрсатмоқда.

Лекин келтириб ўтишимиз лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида

⁵ [Электрон манба]. URL: <https://www.worldbank.org>.

⁶ [Электрон манба]. URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2022/03/31/procurement/>

⁷ Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 29.06.2020 йил

⁸ [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/ru/item/2022/03/10/>

коррупцияомилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қонунлар ва дастурлар қабул қилиниб, бунинг самараси натижасида **Ўзбекистон Республикаси “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингидан 5 ўрин юқорига кўтарилиб, 158 ўридан (2018 й.), 153 (2019 й.) ўринни эгаллади. 2020 йилга келиб, яна 7 поғонага юқорилаб, 153 ўридан (2019 й.) 146 ўринни эгаллади. 2021 йилга келиб, 140 ўридан жой олган.**⁹ Мазкур соҳадаги ютуқлар албатта амалга оширилаётган тизимли чораларнинг натижаси ҳисобланади. Шу ўринда, давлат харидлари соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, аммо соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда.

Ушбу муаммоларни очиқ ойдин кўрсатиб бериш ҳамда уларни секинлик билан ислоҳ қилиб бориш масаласи ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини янада кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этиш давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, коррупция сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

Тадқиқот объекти: Ушбу диссертация тадқиқотининг объектини молия соҳасининг давлат харидлари тизимида коррупция ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ҳамда ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети: Молия соҳасида коррупциянинг турли кўринишларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни

⁹[Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

кўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, амалиёти, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар тадқиқот предмети сифатида ўрганилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Ўзбекистон Республикаси молия тизимида коррупциянинг турли кўринишларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, давлат харидлари соҳасини коррупциядан ҳоли намунавий соҳага айлантиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун тадқиқот давомида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- молия соҳасида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш;
- давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари, таснифланиши, ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- давлат харидлари соҳадаги коррупцияга қарши курашишнинг усуллари ва механизмларини тадқиқ этиш;
- молия тизимидаги коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;
- давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари кўриб чиқиш;
- давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва миллий тизимга жорий этиш истиқболларини кўриб чиқиш;
- давлат харидлари соҳасида коррупциянинг турли кўринишларини бартараф этиш ҳамда соҳада коррупциявий ҳавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқиш ва бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш.

Илмий янгилиги. Мазкур магистрлик диссертацияси молия соҳасининг давлат харидлари тизимида коррупциявий қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда қарши курашиш масалалари

мавзусидаги назарий ва амалий манбаларга асосланган дастлабки батафсил иш ҳисобланади. Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида давлат харидлари тизимидаги қонунбузилишлар бевосита давлат бюджети маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилиши ёки растрата қилиниши умуман олганда молиявий йўқотишлар билан бирга паралел равишда юзага келиш ҳолатлари ва хусусиятлари ёритилган.

Мазкур тадқиқот ишида молия соҳасидаги коррупцияга оид жиноятларни келиб чиқиш сабаб ва омиллари таҳлил қилиниб, соҳага оид хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган. Энг муҳими, коррупцияга оид қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и. Молия тизимининг давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида мазкур соҳада фақат умумий назарий манбалар мавжуд, жумладан: Б.Исмаилов, Р.Зуфаров, У.Хусаиновлар илмий ишлари шулар жумласидандир.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Т.Маликов, Н.Хайдаров, Н.Жумаев, У.Бурханов, Э.Махмудов, Т.Атамурадов, Т.Эшназаров, Г.Қосимова, З.Срожиддинова, Д.Пулатов, М.Ҳайдаров М.Оллоёров, Ж.Умаров, Д.Гафуровлар давлат харидларини миллий иқтисодиётда самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини, соҳани назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишган¹⁰.

¹⁰ Вахабов А.В., Маликов Т.С. Молия: Умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод- молия» - 2010, -595 б.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: Академия, 2005. 84 б., Бурханов У., Атамурадов Т. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан ва технология», 2012 йил. -152 б.; Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод- молия», 2012. -304б.; Қосимова Г.А. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-молия», 2013.- 448б.; Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.:»Infocom.uz». 2010. -480б.; Пулатов Д.Х. Нурмухамедова Б.И. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: «Сано-стандарт», 2014. -272б.; Ҳайдаров М. ва бошқалар Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув

Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш масалалари МДХ мамалакатлари доирасида А.А.Храмкин¹¹, М.М.Поляков, А.Б.Куракин, В.В.Астанин, Д.Н.Колчечанов, С.Н.Шишкарев, И.Ермилина, И.Ю.Жилиной¹², Н.А.Карагодина, Л.М.Колодкина, А.В.Кудашкина, М.В.Костенникова, П.А.Кабанова, В.В.Лунеев¹³, В.Н.Лопатина¹⁴, В.М.Николайчика, А.Д.Сафронова, Э.В.Талапиной, Ю.В.Трунцевского, А.А.Шевслеви́ча, Е.Ю.Шерстобитовой, Т.А.Ашурбекова, А.Э.Буксмана, А.Ю.Винокурова, Ю.Е.Винокуров¹⁵, В.К.Звербуля¹⁶, Ф.М.Кобзарева, О.С.Капинус¹⁷, С.К. Кехлерова, О.Ш.Петросяна, В.М.Пашина, В.И.Рохлина, Ю.И.Скуратова, Н.Г.Шурухнова, М.С. Шалумова ва бошқалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбааларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини

қўлланма. Т.: «Иқтисод- молия», 2010. -235 б.; М.Оллоёров, Д.Холмурадов. Система Государственных закупок в Узбекистане, <http://publicfinance.uz/materials.>; Ж.Умаров «Давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати, Д.Гафуров «Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати, Ж.Атамурадов «Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати.

¹¹Противодействие коррупции в госзакупках: / А.А. Храмкин. - 2-е изд., доп. - М.: ИД «Юриспруденция», 2011. - 152 с

¹² Жилина И.Ю. Феномен коррупции: общие подходы к изучению. Социально-экономические аспекты коррупции. Экономические и социальные проблемы России // — М., 2008.

¹³ Лунеев В. В. Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы / Лунеев В.В. //Гос-во и право — 2012.

¹⁴ Лопатин В.Н. Проблемы борьбы с коррупцией при формировании и реализации антикоррупционной политики : сборник материалов международной научно-практической конференции "Актуальные проблемы строительства и развития союзного государства" — СПб., 2001.

¹⁵ Винокуров Ю. Е. Прокурорский надзор / Винокуров Ю.Е. — М.: Высшее образование, 2005.

¹⁶ Звербуль В. К. Перспективы развития прокурорского надзора в правовом государе I вс / Звербуль В.К. — М.,1990.

¹⁷ Капинус О. С. Настольная книга прокурора / под общ.ред. С. 1 . Кехлерова и О.С. Капинус // Академия Генеральной прокуратуры РФ : Юраю — М., 2012.

шарҳлаш, ҳуқуқни қўлаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотдан кутилаётган натижалар. Ушбу тадқиқот давлат харидлари соҳасида мавжуд қонунбузилишларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишга хизмат қилади. Тадқиқот иши коррупциявий жиноятларни назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш омилларини ўрганишда фойдали кўрсатма бўлади. Шунингдек, диссертацияни соҳадаги дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳолаб, унинг натижаларидан янги тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти давлат харидлари соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнига, қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга, коррупциявий бўшлиқларни тўлдиришга, соҳадага оид дискрецион ваколатларни камайтириш, коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Асосийси, давлат харидлари соҳасини “коррупциядан ҳоли” соҳага айлантиришда дастури амал бўлади.

Диссертация ишининг тузилмаси. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, тўртта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 93 бетни ташкил этади.

I БОБ. МОЛИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1-§ Молия соҳасида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг назарий ҳуқуқий таҳлили

Дунё тажрибасидан бизга маълумки, коррупциялашган мамлакатларнинг иқтисодиёти тўғри ишлай олмаслиги, коррупция табиий қонуниятларнинг эркин ишлашига халақит бериши ва мамлакат иқтисодининг гуллаб-яшнашига жиддий тўсиқдир.

Коррупция ҳаётни, иқтисодиётни ва демократияни йўқ қилади. Коррупция камбағал мамлакатларнинг қашшоқликда қолишига, можаролар ва беқарорликлар келиб чиқишига, шунингдек, мўрт муҳитнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Ўрганишлар ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан коррупция анча юқори бўлишини кўрсатмоқда. Коррупциялашган мамлакат иқтисодиётида ресурслар ҳам самарасиз тақсимланади, сабаби тўғри йўл билан ғалаба қозона олмайдиган компаниялар, кўпинча, порахўрлик ёки улуш бериш эвазига давлат буюртмаларига ва лойиҳаларига эга бўлишади. Молиявий оқимларнинг катталиги туфайли давлат харидлари фирибгарлик ва коррупция тузоғига тушиши эҳтимоли юқори бўлган энг заиф йўналишлардандир. Иқтисодиётнинг коррупциялашиши таълим ва соғлиқни сақлаш сифатининг ёмонлашишига, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг умумий турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, “коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатлардаги ўртача даромад коррупция даражаси паст бўлган мамлакатларникининг учдан бир қисмини ташкил қилади”.¹⁸ Шунингдек, бундай мамлакатларда чақалоқлар ўлими даражаси қарийб уч баробар юқори, саводхонлик даражаси эса 25% га паст бўлади.

¹⁸ [Электрон манба]. URL: <https://www.worldbank.org>.

Коррупция – мансаб мавқеидан омманинг мулкани, нормал турмуш тарзини шахсий мақсадларда фойдаланиш йўли билан содир этиладиган хуфёна иқтисодиётни таъминловчи салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади¹⁹.

Коррупция тушунчасига келтирилган барча тарифларда коррупция ва мансабдор шахс ваколатлари ўртасида боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган, чунки коррупция ва мансаб ваколоти бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган тушунчалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади²⁰.

Бироқ, мазкур таърифда мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ҳолати кўрсатилмаган, чунки миллий қонунчиликда мансаб ваколатини суистеъмол қилиш коррупциявий жинойт сифатида баҳоланмайди. Бироқ, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенция”сининг 19-моддасида, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш коррупциявий жинойт сифатида келтирилган²¹.

Республикада коррупцияга қарши комплаенс назоратнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертиза қилинишини жорий этилиши, шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида молия тизими ва бюджет соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, бюджет ташкилотларида харажатлар асосан 4 гуруҳга бўлиниб молиялаштирилади:

1-гуруҳ харажатлари- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

¹⁹ [Электрон манба].URL:<https://www.transparency.org/en/what-is-corruption>

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

²¹ БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенсия”, Нью-Ёрк, 2004 йил.

2-гурух харажатлари- иш берувчининг ажратмалари;

3-гурух харажатлари- капитал қўйилмалар;

4-гурух харажатлари- бошқа харажатлар, яъни бюджет ташкилотининг сақлаш харажатлари бўлиб, мазкур харажатлар бюджет ташкилотлари томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан давлат харидларини амалга оширишга сарфланади.

Маҳаллий иқтисодчилардан У.Бурханов ўз илмий ишида давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида давлат хариди алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаб: «давлат хариди» - деганда давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олиш»²² тушунилишини қайд этган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида келтирилган таърифга кўра, «давлат харидлари - давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни»²³ дир.

Фикримизча, давлат харидлари соҳасида коррупция – давлат харидлари соҳасида фаолият кўрсатувчи мансабдорлар билан бир қаторда барча ходимларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши ва/ёки бунинг натижаси давлат консолидацион бюджети маблағларининг ноқонуний йўллар билан ўзлаштириши ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиниши ҳисобланади.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 2018 йилга қадар республикада давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини

²² У.Бурханов, Т.Атамурадов. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан ва технология», 2012, 152 бет.

²³ Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қонуни.

турли қонун ости ҳужжатлари орқали тартибга солиниб, давлат харидларини ўтказишни тартиб-таомиллари, соҳасида коррупцияни олдини олиш механизмлари мазкур меъёрий ҳужжатлар билан тизимлаштирган эди. Шу сабабдан республикада давлат харидларини ўтказишнинг тартиб-таомилини ўзида мужассамлаштирган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурияти вужудга келган ҳамда “Давлат хариди тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишнинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлашимиз мумкин:

- давлат харидини ташкил етишда маълумотлар шаффофлигини таъминлаш;
- давлат харидларида манфаатлар тўқнашувининг турли кўринишларини ва коррупцион элементларни имкон қадар олдини олиш;
- давлат харидини амалга оширувчи субъектларини ваколатларини тартибга солиш;
- харидни режалаштириш ва тартибга солиш;
- мол етказиб берувчиларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;
- тендер асосида савдоларда харид механизмларини тартибга солиш ва шу каби бошқа муаммолар.

2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун қабул қилиниши билан олдин фойдаланишда бўлган давлат харидларини тартиб-таомилларини тартибга солувчи ва унда коррупцияни олдини олишга қаратилган нормалар келтирилган қонун ости ҳужжатлари ўз кучини йўқотди ва қуйидаги долзарб масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш имконияти яратилди.

Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасида давлат харидларини амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий асосини шакллантириш;
- Давлат харидларини ўтказишнинг амалдаги тартиб-таомилларини четлаб ўтувчи нормаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинишини бекор қилиш;

- Давлат харидларида манфаатлар тўқнашувини ва коррупцияни олдини олиш;
- Давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларига маҳаллий ҳокимликларнинг аралашувини қонун йўли билан чеклаш;
- Давлат харидлари иштирокчисининг бенефициар мулкдори ва аффилиланган шахсига доир ҳуқуқий меъёрларни ўрнатиш ва бу орқали турли суиистеъмолчиликларни олдини олиш;
- Тартибга солиш соҳасини аниқ белгилаб олиш;
- Ҳукумат ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий ваколатларини аниқ тартибга солиш;
- Харид жараёнлари ва уни ташкил этишнинг барча жараёнларини тартибга солиш;
- Давлат буюртмачиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш;
- Харид усули, қарор қабул қилиш, у ёки бу механизмни танлаш шартларини аниқлаштириш;
- Давлат буюртмачининг шартнома муддатлари ва молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширмаган ҳоллардаги мажбуриятларини тартибга солиш;
- Шартномаларнинг тузиш шартларини, шунингдек шартномада акс эттирилиши лозим бўлган мажбурий меъёрлар, шартлар ва йўриқномаларни ўрнатиш;
- Харид этувчининг ваколатли органлар олдидаги масъулияти ва айрим ҳолларда жамоа олдида ҳисоб беришини тартибга солиш ва бошқа шу каби ҳолатлар
- Тендер ғолиби билан қайси ҳолларда шартнома бекор қилиниши тартибларини белгилаш;

- Харид этувчининг ваколатли органлар олдидаги масъулияти ва айрим ҳоллатда жамоа олдида ҳисоб беришини тартибга солиш ва бошқа шу каби ҳолатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг чора-тадбирлар режасининг 20-бандида коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш вазифаси коррупцияга қарши курашиш идоралараро Комиссияси, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига юклатилган.

Молия тизимида коррупцияга мойил бўлган соҳалар сифатида давлат харидлари ва капитал қурилиш соҳалари эътироф этилади. Капитал қурилиш давлат харидларининг бир қисми ҳисобланади.

Фармонда молия соҳасида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг ечими юзасидан ишлаб чиқилган Давлат дастурининг 11-бандида бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташқи ва ички молиявий назорат ҳамда аудитнинг вазифалари ва мақсадини бир-биридан ажратиш, бундан ташқари низом жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда давлат молиявий назоратни амалга оширишни назарда тутувчи, «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юкланган.

Шунингдек, Фармоннинг 14-бандида давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, барча давлат харидлари субъектларини босқичма-босқич қамраб олиш бўйича чоралар кўриш, харид (ISO 20400) ва коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш, давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш, аффилиланган шахсларнинг харидларда

катнашишларига чекловлар белгилаш, барча давлат тендерларини қамраб олиш учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳамма фойдалана оладиган ягона реестрини юритиш, давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошкоралиги ва эркинлигини ошириш, харид жараёнида бюрократик ва субъектив омилларни минималлаштириш, натижаларни статистик таҳлил қилиш, шунингдек, харид тартибининг барча зарур параметрлари бўйича ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш вазифалари мутассадди идораларга, хусусан Молия вазирлигига юклатилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда молия соҳасида жами **1 072,1 млрд. сўм** бюджет маблағлари қонун талабларига зид равишда сарфланган ва ноқонуний сарфланган маблағларнинг асосий қисми Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига **109 млрд. сўм**, Халқ таълимивазирлиги тизимига **96,2 млрд. сўм**, Мактабгача таълим вазирлиги тизимига **76,6 млрд. сўм**, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига **33,3 млрд. сўм**, Маданият вазирлиги тизимига **23,9 млрд. сўм** ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги тизимига **20,8 млрд. сўм** тўғри келган.²⁴

Бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари асосан ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш, банкдан олинган нақд пулни ўзлаштириш, смета-штат интизомини бузиш, бюджет маблағларидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Давлат молиявий назорат инспекцияси томонидан 2020 йилда 6 944 та ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасида 1 трлн. 179 млрд. сўм, 2021 йилда 9 414 та ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасида 2 трлн. 618,8 млрд. сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланган.

Прокуратура органлари томонидан 2021 йилда молия соҳасидаги (давлат бюджети маблағлари билан боғлиқ суиисеъмолчиликлар билан

²⁴Статистик маълумотлар Бош прокурорнинг Президент Администрацияга йўллаган маълумотномасидан олиниб тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

боғлиқ) 992 та текширишлар ўтказилиб, натижада 561 та жиноят ишлари кўзғатилган, 2106 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий ишлар юритилган.²⁵

Шунингдек, 2021 йилнинг 9 ойида **99,5 трлн. сўм**лик давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий нazorat инспекцияси томонидан 2021 йил давомида бюджет ташкилотларида давлат харидлари оид қонун ҳужжатлари ижроси қонунийлиги юзасидан жами **7640 та** нazorat тадбирлари ўтказилган ва натижада жами **503,1 млрд сўм** харидлар билан боғлиқ хато ва камчиликлар аниқланган. Шундан:

1. харид тартиб таомили нотўғри танлаш 20 та ҳолатда 2,8 млрд. сўм;
2. харидларни қисмларга бўлган ҳолда ноқонуний амалга ошириш 2790 та ҳолатда 29,0 млрд. сўм;
3. юқори нархларда харид қилиш 141 та ҳолатда 25,2 млрд. сўм;
4. электрон магазин, миллий дўкон, аукцион орқали савдолар тартибини бузиш 1774 та ҳолатда 9,6 млрд. сўм;
5. танлов талаблари бузилганлиги 712 та ҳолатда 109,2 млрд. сўм;
6. тендер талаблари бузилганлиги 106 та ҳолатда 162,0 млрд. сўм;
7. қонунга зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш 1051 та ҳолатда 82,2 млрд. сўм;
8. шартнома ва техник ҳужжатларни экспертизадан ўтказмаслик 14 та ҳолатда 14,6 млрд. сўм;
9. рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш 417 та ҳолатда 18,6 млрд. сўм;
10. хари тўғрисидаги маълумотларни электрон порталга киритмаслик 9 та ҳолатда 8,2 млрд. сўм;
11. Ягона етказиб берувчи билан руҳсат этилмаган товарларга шартнома тузиш 21 та ҳолатда 1,4 млрд. сўм;
12. Бошқа кўринишларда 610 та ҳолатда 50,0 млрд. сўм.²⁶

²⁵ Бош прокуратура ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

²⁶ Молия вазирлигидан олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Прокуратура органлари томонидан 2021 йилда давлат харидлари соҳасида қонунбузилишларни аниқлаш юзасидан жами 262 та текширишлар ўтказилиб, натижада 68 та жиноят ишлари қўзғатилган, 376 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан шахслар маъмурий ишлар юритилган.²⁷ Бу статистика аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган ҳамда жиноий жавобгарликка сабаб бўлган ғайриқонуний ҳолатлардир. Аммо, жиноятни латент эканлигини ҳисобга олсак, бу жуда йирик рақамларни кўрсатиши ҳайратланарли эмас.

Юқоридаги каби хато ва камчиликларни келгусида олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги янги тахрирда Қонуни қабул қилиниб унда, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, тартиб-таомиллари турларидаги миқдорий қийматлар ўзгартирилди ҳамда қонунда давлат харидларининг асосий принципларига шу жумладан, давлат харидларини ўтказиш, назорат қилишда коррупцияга йўл қўймаслик ва манфаатлар тўқнашуви принципларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонуннинг 5-моддасида давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши шарт бўлган асосий принциплари келтирилган бўлиб, улар:

1. касбий маҳорат ва масъулиятлилиқ;
2. асосланганлик;
3. молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
4. очиқлик ва шаффофлик;
5. рақобат ва холислик;
6. мутаносиблик;
7. давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
8. коррупцияга йўл қўймаслик.

²⁷Бош прокуратура ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Қонуннинг 13-моддаси коррупцияга йўл қўймаслик принципи бўлиб, унда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлиши;

давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши, инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилиши;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилиши;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очиқ манбаларида эълон қилиб борилиши, давлат харидлари тартиб-таомиллари мазкур қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилиши, қонунчиликда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкинлиги келтирилган.

Биз биламизки, Ўзбекистон Республикасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи қонун мавжуд эмас. Ривожланган давлатлар ҳуқуқ тизимида манфаатлар тўқнашуви коррупцион элемент сифатида қаралади ва унга ҳуқуқий баҳо берилади ва манфаатлар тўқнашувининг 3 хил кўриниши мавжуд: юзага келиб бўлган (реал), юзага келаётган (потенциал) ва юзага келиши мумкин бўлган (тахмин қилинган) манфаатлар тўқнашувига бўлинади. Молия соҳасидаги коррупциявий ҳолатларда келтирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар бир тури мавжуд.

Манфаатлар тўқнашуви – давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари унинг расмий вазифалари ёки функцияларини бажаришида

салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий-ҳуқуқий мажбуриятлар ва давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир²⁸

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида манфаатлар тўқнашувига берилган таърифга кўра, шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият, манфаатлар тўқнашуви деб топилиши ҳақида қайд этилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси манфаатлар тўқнашуви ҳақида бўлиб, унда “Манфаатлар тўқнашуви бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир”²⁹-деб таърифланган.

Шунингдек аффилиланган шахслар: давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмаслиги, бундан ташқари, харид қилиш тартиб-таомилларни амалга оширишда бошқа харид

²⁸Managing Conflict of Interest in the Public Service OECD guidelines and country experiences 2003, p. 24. [электронманба] <https://www.oecd.org/gov/ethics/48994419.pdf>

²⁹Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-684, 14-модда.

қилиш тартиб-таомиллари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳамда ушбу ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни чеклайдиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви кўринишларининг олдини олиши шартлиги келтирилган.

Шунингдек, қонунда ҳар қандай эҳтимол тутилган, тахмин қилинаётган ёки мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошқор қилинишини кафолатлаши кераклиги, мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, давлат харидлари иштирокчилари бу ҳақда бевосита раҳбарини ҳамда давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этиши, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши ва давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиши ва давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни олгач, ваколат доирасидаги назоратни амалга оширувчи давлат органларига тегишли ахборотни киритиши шартлиги келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлда «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармони қабул қилинган. Фармоннинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган 44 банддан иборат Давлат дастуридаишлаб чиқилиб, мазкур чора-тадбирларнинг бевосита 11 та бандида тўғдан-тўғри давлат молиясини бошқаришда коррупцияни олдини олиш масалаларига бағишланган ва масъул ижрочи орган сифатида бошқа мутасадди органлар билан бирга Молия вазирлиги келтирилган.

Молия тизимида, хусусан давлат харидлари соҳасида умумий назоратни шунингдек, коррупцияга йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашувини

олдини олиш, норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини амалга ошириш бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия Вазирлигига юклатилган.

Молия соҳасидаги коррупция ҳолатлари пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб соҳтакорлиги каби мансабдорлик жиноятлари ортиданасосан кўп ҳолларда давлат мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш коидаларини бузиш (пул маблағларини нақдлаштириш), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш каби жиноятларни етаклаб келади.

Давлат харидларига оид қонунбузилишлар турли ноқонуний келишувларга жалб қилиш, порахўрлик ва давлат харидларида «устама» олиш товарлар ва хизматлар учун ортиқча тўловлар тўланиши ёки бундай товарлар ва хизматлар учун шартномаларда назарда тутилган сифатни таъминлай олмаслик шаклларида намоён бўлади.

Молия соҳасига коррупциянинг кириб бориши омиллари:

1. Молия соҳасидаги ахборотларни кенг жамоатчилик олдида ошкоралигини таъминлашдаги камчиликлар:

Давлат бюджети даромадлари шаклланиши ва айрим кўзда тутилмаган харажатларни айнан қайси даромадлар ҳисобидан амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги, давлат мулкани сотишдан, табиий бойликларни реализация қилишдан келадиган даромадларнинг сарфланиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни етарли даражада ошкор этилмаслиги билан изоҳланади.

2. Юқори бюджетдан қуйи бюджетларга маблағларни йўналтирилишида “инсон омили”нинг иштирокини юқори даражада эканлиги;

Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга молиявий ресурсларни йўналтирилишида ва ресурслар миқдорини аниқлашда Молия вазирлигига чекланмаган ваколатлар берилганлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолат коррупцияни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу ҳолатни туман миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак айнан қайси бюджет ташкилотига маблағларни йўналтириш ва уларнинг миқдорини белгилашда туман Молия бўлимининг ваколатларини етарли даражада чекланмаганлигини кўришимиз мумкин.

3. Собиқ Иттифоқ мамлакатларига хос бўлган ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларини ташкил етишнинг ноқонуний асослари.

Ҳокимиятни амалга ошириш қонунга эмас, балки ҳокимият вакилларининг субъектив ихтиёрига асосланади. Ҳокимият доимо қонундан юқори ва кучли - постсовет мамлакатларида узоқ давом этган анъана. Шу сабабли, МДҲ давлатлари оқилона ташкил этилган бюрократик тизимни шакллантириш учун шарт-шароитларга эга эмас эди.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан молия йилида кўзда тутилмаган (молиявий манбалари аниқ бўлмаган) жорий харажатларни мунтазам амалга ошириб келиниши.

5. Қоғозбозлик ҳамда кўзбуямачиликларни мавжудлиги.

6. Демократия институтларининг ривожланмаганлиги, жамоатчилик назоратининг сустлиги. Оммавий ахборот воситаларининг «фаол» фаолияти учун тўсиқларнинг мавжудлиги, уларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларнинг қафолатлари учун механизмларнинг етарли эмаслиги ёки соҳада кадрларни етишмаслиги ва ўз соҳасида ўқувсизлиги.

7. Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданияти пастлиги, сиёсий фаоллигининг сустлиги, давлат ва жамият бошқарувидан ўзини четга олиши. Аҳоли ўртасида турли ноқонуний жараёнларга нисбатан бу менга таалуқли эмас, бунга аралашиб «бошимни оғритиб» нима қиламан деган кайфият шаклланган.

8. Қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жавобгарликни муқаррарлиги муҳитини яратиш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек прокуратура органлари фаолиятига ҳокимият органларининг аралашувини чеклашни амалда ҳуқуқий асосларини яратиш.

Бизнинг фикримизча молия тизимида коррупцион ҳолатларни авж олганлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

-соҳа мансабдор шахсларининг фаолияти давлат молиявий ресурслари билан бевосита боғлиқ эканлиги;

-соҳада шаффофлик ва жамоатчилик назоратининг сустлиги;

-ходимлар ойлик маошининг камлиги;

-ходимлар коррупцияга қарши тура олганликлари учун уларни моддий рағбатлантириш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги;

-давлат манфаатларини шахсий манфаатларга онгли равишда бўйсундириш;

- бюрократик тўсиқларнинг кўплиги ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, молия соҳасидаги коррупция, унга қарши курашиш усуллари ва характери жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг оқибатлари бошқа коррупцион кўринишлар каби жиддий ва ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Молия соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш орқали иқтисодий соҳалар ривожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасини ошириш, очик тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантириш, сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талабларга тенглаштириш, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини ошириш, кичик бизнес вакиллар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш натижасида кичик бизнесни ва рақобатни ривожлантириш имкониятлари яратилади ҳамда энг асосийси, давлат молия тизимида коррупция ҳолатларини олди олинади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар фақатгина мамлакат даражасида давлат молиясини бошқаришнинг самарли механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни молиявий ресурсларнинг мақбул тақсимланиши ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

1.2-§ Давлат харидларида коррупцияга қарши курашиш усуллари ва унинг хусусиятлари

Давлат харидидаги коррупция узоқ даврлардан бери мавжуд бўлган ва миллий чегара билмайдиган ва ҳал этилиши долзарб бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашга кўплаб тадқиқотлар ўтказилмоқда ва дунё мамлакатлари бўйлаб давлат ва нодавлат дастурлари амалга оширилмоқда, аммо ушбу тадбирлардан ҳали сезиларли, ижобий натижаларга эришилаётгани йўқ.

Давлат хариди тизимида коррупциянинг мавжудлиги фақатгина молиявий зарар билан чегараланмайди. Давлат харидини жойлаштириш жараёнида мавжуд коррупциядан давлат ва жамият кўрадиган зарарни шартли равишда тўрт турга бўлиш мумкин:

1. Молиявий йўқотиш – шартномаларни давлат ва жамият учун молиявий зарарли шартларда тузиш. Буни сотиб олинаётган товарлар нархини амалдаги бозор баҳосидан юқори нархларда сотиб олиш, давлат шартномаларида тўловларни кечиктириш эмас, балки олдиндан тўловни амалга ошириш шартларини киритиш ва бошқа кўринишларда кўриш мумкин.

2. Миқдорий йўқотиш – етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар ҳажмини керагидан ортиқ ёки кам миқдорда бўлиши; товарлар ва хизматларни давлат эҳтиёжлари учун эмас, балки масъул амалдорларнинг шахсий мақсадлари учун харид қилиш кабилар.

3. Сифат йўқотиш – сифатсиз товарлар етказиб бериш ва хизматлар бажариш каби зарурий техник талабларни бузган ҳолда шартномаларни тузиш; кафолат муддати ва кафолат муддатидан кейинги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ноқулай шартларини киритиш; бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини текшириш учун етарли назоратнинг мавжуд эмаслиги ва ҳақозолар.

4. Сиёсий йўқотиш – мамлакатда инвестицион муҳитнинг ёмонлашуви, фуқаролар томонидан давлат ва давлат тузилмаларига бўлган ишончнинг

йўқолиши, мамлакат иқтисодий-молиявий тизимининг издан чиқиши, эркин рақобат тамойилларининг бузилиши ва бошқалар.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат харидини ташкил этишда коррупцияни бутунлай йўқотишга ҳали ҳеч бир мамлакатда эришилмаган, аммо бу ҳолат коррупциянинг мавжуд даражасини пасайтириш учун олиб бориладиган чора-тадбирларнинг самарасиз ёки натижасиз эканлиги ҳақида ҳулоса чиқаришга асос эмас.

Маҳаллий иқтисодчилардан У.А.Бурханов психологик ва техник усуллар орқали, тартибга солувчи жараёнлар воситасида ҳамда жазо чораларини қўллаб давлат харидларида коррупцияга қарши курашиш мумкинлигини таъкидлаган.³⁰

Бизнинг фикримизча давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин. Булар:

- 1. Маъмурий;**
- 2. Психологик;**
- 3. Тарбиявий;**
- 4. Ташкилий-ҳуқуқий;**
- 5. Интизомий;**
- 6. Техник усуллар.**

Маъмурий усул. Давлат харидларида коррупцияга қарши курашишда мазкур усул – давлат харидлари соҳасидаги коррупцияни ўрганиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда олдини олиш механизмларини аниқлашга ҳаракат қилишда ўз ифодасини топади.

Маъмурий йўл билан ходимларнинг молиявий жавобгарлиги уларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятида ифодаланади. Моддий жавобгарлик ходимларга меҳнат муносабатларида бўлган ташкилотга ёки учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаш муносабати билан бу зарар корхона томонидан қопланса ҳам регресс тартибида ходимдан ундириб олинади.

³⁰«Государственные закупки» учебное пособие, 2010 год.

Маъмурий усулни асосий бўғини сифатида юридик жавобгарлик намоён бўлади. Юридик жавобгарликни 3 тури мавжуд. Булар: фуқаролик, маъмурий ва жинойий жавобгарликдир.

Маъмурий жавобгарлик – жисмоний шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши натижасида вужудга келади. Коррупциявий жинойятлар билан боғлиқ Маъмурий жавобгарлик кодексининг бир қанча нормалари мавжуд.

Булар:

- 1) 61-модда. Оз миқдорда талон-торож қилиш;
- 2) 61¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- 3) **175⁸-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;**

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан жорий этилган. Мазкур қонун қабул қилингунига қадар давлат харидлари тартиб-таомилларини бузган мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик мавжуд бўлмаган.

4) 193¹-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

4) 193²-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши каби нормалар мавжуд бўлиб, улар ижтимоий хавфи юқори бўлмаганлиги сабабли жарима қўллаш билан чекланади.

Жинойий жавобгарлик – ижтимоий хавфи юқори бўлган жинойятларга нисбатан оғирлаштирувчи охирги чора сифатида намоён бўлади. Масалан, Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш(ЖК 167-модда),

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш(205-модда), Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш(206-модда), Мансабга совуққонлик билан қараш(207-модда), Ҳокимият ҳаракатсизлиги(208-модда), мансаб сохтакорлиги(209-модда), пора олиш(210-модда), пора бериш(211-модда), Пора олиш-беришда воситачилик қилиш(212-модда), Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш(213-модда), Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши(214-модда) каби коррупциявий жиноятлар жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига давлат харидларини ўтказиш тартиб-таомилларини четлаб ўтилганлиги, бенефициарлар ва аффилланган шахсларга доир чекловларга риоя қилмаганлик, умуман олганда давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Бюджет буюртмачиси ва давлат харидлари иштирокчиси давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини бузганликлари учун, агар уларнинг ҳаракатлари натижасида моддий зарар етказилмаган бўлса, уларнинг жиноий жавобгарликка тортишни имкони мавжуд эмас. Ваҳоланки уларнинг ҳаракатларида манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупциянинг **патрионизм, непотизм ва кронийизм** каби кўринишлари ҳатто пора олиш ва бериш билан боғлиқ жиноятлар яширинган бўлиши мумкин.³¹

Кўплаб хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида давлат харидларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилган.

Бундан ташқари, Бирлашган миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенциясининг 9-моддаси “Оммавий харидлар ва оммавий маблағларни бошқариш” деб номланиб, унда ҳар бир

³¹ “Understanding and Preventing Corruption” by Adam Graysar and Tim Prenzer, 2013 йил

иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқ тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан, давлат харидлари соҳасида коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўриши шартлиги келтириб ўтилган.³²

Шунингдек, Ўзбекистон Респбликасининг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги 1-сонли йиғилиш Баённомаси ижроси бўйича давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Йўл харита”си ишлаб чиқилиб, унинг 1.5-бандида Давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш чораларини кўриш белгиланган. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари сифатида давлат харидларини тартиб-таомилларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни таъминлашда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, соҳадаги жиноят ишлари юзасидан тергов ва суд амалиётида ҳуқуқни қўллашдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига давлат харидлари соҳасида содир этилган жиноят нормаларини киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган бўлсада, ҳозирга қадар Жиноят кодексига давлат харидлари тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликни таъминловчи модда мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, Жиноят кодексига давлат харидлари тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликни таъминловчи модда жорий этиш лозим.

Давлат харидлари тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш ва жиноий жавобгарликни жорий этиш масалалари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2022 йил 5 апрелдаги 7-сонли баённомасининг Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа”

³²БМТнинг “Коррупцияга қаси курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси, 9-модда.

лойихасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харита” сининг тегишли бандларида келтирилган.

Маъмурий (жазо чоралари) усулининг қўлланилиши самаралилигига фақатгина тартибга солишни тўла ва аниқ бажаргандагина эришиш мумкин. Ушбу усул зарурий қоида ва жараёнлар устидан назорат механизмларининг самарали ўрнатилишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Агар “жазодан қочиб қутулиб бўлмаслик” механизмлари етишмаса, жазо чора-тадбирларини қўллашнинг амалийлиги ва бирор натижа бериши унчалик ҳам катта бўлмайди.

Психологик усуллар коррупциянинг бирламчи сабаби бўлган - хизматчининг давлат маблағлари ҳисобидан, ноқонуний бойишини олдини олишга таъсир этиш имконини беради. Психологик усуллар сифатида: ишга қабул қилинаётган номзоднинг анкета маълумотларини, унинг биографияси ва олдинги иш жойидан тавсифномани текшириш (**лозим бўлса тезкор-қидирув тадбирларини ўтказган ҳолда**). Ушбу усул олдинги иш жойидан коррупцион фаолияти ёки жинояти учун ишдан бўшатиш, судланган шахсларни коррупцияга мойил бўлган вазифаларга тайинланишини олдини олишда кенг қўлланиладиган усулдир.

Мазкур усул таркиби сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

I. Номзодларни ишга олишда махсус чуқурлаштирилган тестдан ўтказиш (ҳаттоки “ёлғонни аниқлайдиган детекторлар” - полиграф)дан ҳам фойдаланиш;

II. Бюджет ташкилотида ва давлат хариди иштирокчилари орасидан ходимларнинг ўз-ўзини назорат қилиш тизимини ташкил этиш (**талабгор хабар етказувчилар-Whistleblower тизими**). Ушбу усулдан ривожланган давлатлар бюджет ташкилотларида ва йирик тижорат тузилмаларида махсус ташкил етилган усул сифатида кенг фойдаланилади. Қанчалик ноқулай бўлишига қарамасдан ушбу усул жуда самарали ҳисобланади;

III. Ходимларнинг самарали мотивацияси нафақат харидни амалга оширувчи амалдорларни молиявий рағбатлантиришни билдиради, балки у

ходимни иш берувчи билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш хоҳишини рағбатлантирувчи, масалан ташкилотда ўз профессионал карерасини амалга ошириш каби, махсус дастурлардан ташкил топади. Европа мамлакатларида, давлат хариди учун жавобгар амалдор, махсус категорияли ходим сифатида бошқа касбдошларига нисбатан юқори пул мукофоти – виждонан фаолият юритганлиги учун ўзига хос тарздаги мукофот оладилар;

IV. Бюджет ташкилотида давлат харидларини амалга оширувчи, шунингдек харид комиссияси аъзоларини доимий ротация қилиш, амалдорларни мол етказиб берувчилар билан тил бириктиришларини олдини олади;

V. Коррупцияга бефарқ бўлмайдиган корпоратив этикани шакллантириш (Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотларида фаолият юритувчи мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг намунавий “Одоб-ахлоқ” кодекси ва “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва бошқариш тўғрисида” кодексини ишлаб чиқиш, махсус ўқув дастурларини амалга ошириш), хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши кураш стратегиясининг муҳим элементи ҳисобланади.

VI. Кўплаб ривожланган давлатларда, давлат хизматчисининг Одоб-ахлоқ кодекси меҳнат шартномасининг таркибий қисми ҳисобланади, унга амал қилмаслик ходимни ишдан бўшатилишига олиб келиши ҳам мумкин. Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олишга қаратилган Одоб-ахлоқ кодексларидан кенг фойдаланилади. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, мазкур кодекслар ташкилотнинг барча ходимлари учун мажбурий ва доимий тренинг дастурлари ташкил этилгандагина ўз функциясини тўлиқ бажаради.

Давлат хариди тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштиришда турли усулларни амалиётда қўллаш ҳар бир усулнинг хусусиятидан келиб чиқиб давлат томонидан қўшимча молиявий ресурслар ажратилишини талаб этади. Масалан:

Психологик усулларнинг қўллаш самараси қуйидагилар билан тавсифланади:

- ушбу йўналишга жалб етиладиган мутахассиснинг квалификация даражаси: суҳбат олиб бориш маҳорати, номзодларни психологик тестдан ўтказиш, номзодлар ва ходимлар ҳақида шахсий маълумот тўплаш ва уни таҳлил етиш, махсус асбоблардан фойдаланиш (полиграф, суҳбат ва ёзишмаларни назорат қилиш ва бошқалар);

- баҳолаш ва хулоса беришнинг субъективлиги: ходимни ёки маълум вазиятни баҳолаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ушбу соҳада эксперт саналган мутахассиснинг хулосаси катта рол ўйнайди. Психология усулнинг заиф томони бу- инсон омилининг катта рол ўйнашидир.

- харидни амалга оширувчи бўлинма ходимларига(шунингдек, виждонан фаолият юритадиган ходимларга ҳам) ушбу усулларнинг қўлланилиши, уларнинг ҳуқуқларини чегаралаши ва бу ҳолат мазкур шахсга ёқмаслиги мумкин.

Тарбиявий усул. Россия Федерациясининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 2008 йилда қабул қилинган бўлиб, унга кўра, коррупция – белгиланган ваколатни суиистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, тижоратда порахўрлик ёки хизмат ваколатидан бошқача тарзда ноқонуний фойдаланиш, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига хилоф равишда мансабдор шахс томонидан пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулк ҳуқуқи, бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда ифодаланади деб таъриф берилган. Бундан кўринадики, коррупция инсоннинг тарбиявий, ахлоқий фазилатлари билан бевосита боғлиқ. Заиф тарбиявий, ахлоқий фазилатлар коррупцияга қарши туриш имкониятини камайтиради. Коррупцияга қарши таълим эса унга қарши тура оладиган ягона йўлдир.

Коррупцияга қарши таълим – бу давлат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган ва таълим соҳасида амалга ошириладиган умумий таълим дастурлари асосида шахс, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ

таълим ва тарбияда коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш, талабаларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш муаммоларини ҳал қилиш қаратилган фаолият.³³

Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2022 йил 5 апрелдаги 7-сонли баённомасида миллий кенгашининг 2022 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси белгиланиб, унда республика ҳудудида соҳалар кесимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари билан бирга тарбиявий усулларни қўллаш, шунингдек коррупцияга қарши ҳуқуқий онгни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш бўйича янги тизимни жорий қилиш мақсадида Бош прокуратура Академияси ҳузурида **Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси** жорий этилди ва платформанинг вазифалари сифатида қуйидагилар:

давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар, хусусий сектор ва жамиятнинг бошқа вакилларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

коррупцияга қарши курашиш ва **давлат харидларини** амалга ошириш функциялари ва вазифалари юклатилган ходимларнинг соҳага доир билимларини ошириш;

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини баҳолаш, сертификациялаш ва реестрини юритиб бориш;

ёш авлодда ҳалоллик қадриятларини юксалтириш, ёшлар ўртасида коррупциянинг моҳияти ва оқибатлари тўғрисидаги кўникмаларни таъсирчан тарғибот воситалари орқали шакллантириш;

³³Противодействие коррупции через образование. Качкина Т.Б, Качкин А.Б. Ульяновск. 2009 йил

коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва илғор хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш деб белгиланди.

Интизомий усул. Интизомий жазо чоралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқлар вакил қилинган корхона раҳбари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қўлланилади.

Давлат харидларининг субъектлари — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот ва эксперт, эксперт ташкилоти ходимлари давлат харидларини ташкил этиш, ўтказиш, назорат қилишда касбий маҳорат ва масъулиятлилиқ, асосланганлик, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиғи, тежамкорлиғи ва самарадорлиғи, очиқлик ва шаффофлик, рақобат ва холислиқ, харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, шунингдек, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг молия хўжалиқ фаолияти ва тадбиркорлик сири билан боғлиқ бўлган маълумотларни махфий сақлаш каби принципларга риоя этишлари шарт.³⁴

Агарда, харид комиссияси аъзолари ёки аъзоси давлат харидларини ташкил этиш давомида масъулиятлилиқни, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналигини, тежамкорлик ва самарадорликни, очиқлик ва шаффофликни ёки рақобат ва холислиқни таъминламаганликлари, шунингдек маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган коррупцион кўринишларни содир етгани, бундан ташқари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлиги учун юқори турувчи давлат ташкилоти мансабдор шахси томонидан Меҳнат кодексининг 181-моддасига кўра:

1. Хайфсан;

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, 22.04.2021, ЎРҚ-684.

2. Ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

3. Меҳнат шартномасини бекор қилиш каби интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Давлат харидларида турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйган шахсларга интизомий жазо қўллашдан ташқари “Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 1 майдаги 180-сонли буйруғига асосан давлат харидларига доир шикоятларни **комиссия** томонидан кўриб чиқилади. Якуни бўйича буюртмачининг қонунга хилоф ҳаракатларига, қарорларига ёки у томонидан қонунга хилоф тартиб-таомиллар бажарилишига доир тақиқ ўрнатиш, буюртмачининг қонунга хилоф қарорларини, шу жумладан давлат харидлари соҳасидаги ҳужжатларнинг шартларини бузадиган қарорларини қисман ёки тўлиқ бекор қилиш, харид қилиш тартиб-таомилларини тугатиш ҳамда ижрочини “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Низомга асосан **комиссия** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тузилади, унинг таркиби тегишли давлат органлари, операторлар ва жамоатчилик вакилларида иборат бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Комиссия ишчи органининг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади.

Ташкилий-ҳуқуқий усули. Давлат харидларида турли суиистеъмолчиликлар ва коррупция ҳолатларини фош этиш ва олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг ҳудудий бошқарма, туман, шаҳар бўлимларига **бюджет тизими бюджетлари маблағларини талон-тороғ қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш, давлат харидларида нархларни ошириб юбориш,** давлат органлари ва

ташкilotларида дебитор ҳамда кредитор қарздорликнинг асоссиз ортиши ҳолатларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш бўйича чоралар кўриш юзасидан бир қатор вазифалар юклатилган.³⁵

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг бюджет маблағлари, халқаро ташкilotлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва **давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш**, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш каби вазифалари мавжуд.³⁶

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига** уни давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган этиб белгилаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлигининг мазкур соҳадаги ваколатларини олиб берилган ва Агентликка Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими порталида қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича оператор сифатида вазифалар юклатилган.³⁷

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси замирида давлат молиявий назорат Инспекцияси ташкил этилди.³⁸

Инспекциянинг вазифалари қўйидагилар этиб белгиланди:

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ-5446-сонли, 23.05.2018 йил.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ-6013-сонли, 29.09.2020 йил.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5624-сонли Фармони, 10.01.2019 йил.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 14.02.2022 йилдаги ПҚ-128-сонли Қарори.

- бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши;
- давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларда назорат тадбирларини ўтказиш;
- бюджет тизими бюджетларидан тўланаётган субсидияларнинг манзиллигини ва самарадорлигини баҳолаш;
- давлат қарзи ва грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганиш.

Қарор билан Инспекцияда бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови ҳамда амалга оширилган тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назорат ўрнатиш учун 40 та штат бирлигидан иборат Қурилиш объектларида назорат ўлчовини амалга ошириш бошқармаси ҳамда давлат молиявий назорати тизимида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга масъул бўлган, 10 та штат бирлигидан иборат Комплаенс назорати бошқармаси ташкил этилди.

Давлат харидлари соҳасида коррупцияни олдини олишнинг асосий усули сифатида республикада “**OPEN BUDGET**” тизимини жорий этиш билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида асосан тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 21-мақсадига мувофиқ-ҳар бир туман ва шаҳар бюджетлари маблағларининг белгиланган миқдорларини “Фуқаролар бюджети”га йўналтириш орқали аҳоли таклифлари асосида жойлардаги долзарб муаммоларни ечишга сарфланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ташаббусли бюджет жараёнининг “2022 йил февраль-март ойларида ўтказилган мавсуми доирасида туман (шаҳар) бюджетлари ҳисобидан жами 1.1 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиб, фуқаролар томонидан 69.700 та лойиҳалар илгари сурилган ҳамда 6,7 млндан ортиқ (республика жами аҳолисининг 19 фоизи) овозлар берилган.

Ажратилган маблағлар доирасида овоз бериш жараёни яқунларига кўра, республика бўйлаб жами **2.215 та** лойиҳалар “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали автоматик тарзда ғолиб деб топилган”.³⁹

“2022 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ жами 480 минг овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда 85,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Натижада “ғолиб” деб топилган лойиҳалар сони 2.354 тани ташкил этиб, улшбу лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар миқдори 1,2 трлн. сўмга етди”.⁴⁰

Давлат харидлари соҳасини тартибга солиш, коррупцияни олдини олишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонунини;

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли Қарорини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини;

³⁹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ахбороти, №01/03-05-32/199, 12.04.2022 йил.

⁴⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ-197-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–240-сон Қарорини;

“Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 2021 йил 26 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 37-Қарорини;

Лойиҳа бошқарув агентлигининг 2018 йил 14 майдаги “Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3013-сонли Буйруғини келтиришимиз мумкин.

Техник усуллар битим иштирокчиларини бир-бирлари билан учрашиш имкониятини йўқотишга хизмат қилади, шунингдек коррупцион хатти-ҳаракат содир этган мансабдор шахсни фош бўлиш эҳтимолини оширади, бюджет ташкилоти ва таъминотчи корхоналар ўртасида тил бириктиришларни олдини олади ва ушбу имкониятни сезиларли даражада пасайтиради. Бундай усуллар сирасига:

Харид билан шуғулланувчи ходимнинг музокоралар олиб боровчи хоналарини назорат тизими ва видеокузатув ускуналари билан жиҳозлаш ёки харид жараёнларини тўлиқ электрон кўринишларда, электрон платформалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

Давлат ташкилотларида комплеанс назорат механизмларини жорий этиш кабилар киради.

Фикримизча, давлат хариди жараёнларида коррупция даражасини пасайтиришга комплекс ёндошув, яъни хариднинг барча босқичларида унинг барча усулларида баланслашган ҳолда фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Алоҳида олинган усуллар ёки соҳалар билан чегараланиб қолиш орқали фақатгина қисқа муддатли ижобий натижаларга эришилади холос. Аммо, маълум вақт ўтгандан сўнг, ноқонуний даромад топишнинг кўриниши ва механизми ўзгаради ва назорат қамраб олмаган соҳаларга ўтади. Шу билан бирга, коррупция натижасида йўқотиладиган зарарлар олдинги даражага чиқиб олади ва ҳатто унинг кўлами янада кенгайиши ҳам мумкин.

II БОБ. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

2.1-§ Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ташкилотларнинг тавсиялари.

Бизга маълумки, давлат ташкилотлари жамият олдидаги ўз функция ва вазифаларини бажаришлари учун товар, иш хизматлар харидини амалга оширадilar. 2013 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти-ИХТТ⁴¹ га аъзо мамлакатларнинг умумий йиллик давлат харидлари улуши Ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизини ва давлатнинг йиллик харажатларининг эса 29 фоизини, миқдорда эса 4,2 млрд. еврони ташкил этган.⁴²

Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, давлат харидлари соҳаси давлат органлари фаолиятининг энг коррупциялашган тармоғи ҳисобланади. Бунда энг кўп тарқалган коррупцион кўринишлар сифатида давлат мулкани ўзлаштириш ва порахўрликни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Бирлашган миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси⁴³нинг 9-моддаси давлат харидлари соҳасига бағишланган.

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 1997 йил 6 ноябрдаги сессиясида **«Коррупцияга қарши курашишнинг йигирмата принциплари»** номли ҳужжат қабул қилинди. Унда белгиланган қоидаларнинг барчаси долзарб масалалардир. Улардан бири 4-принцип куйидагича ёритилган: «Коррупция ҳодисалари натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ва улардан маҳрум қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш» мажбурийлиги юклатилган. Бизнингча, мамлакат жазо

⁴¹Organisation for Economic Co-operation and Development-OECD-Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти.

⁴²Preventing Corruption in Public procurement.OECD, 2016 йил.

⁴³ United Nation Convention against Corruption-UNCAC: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси 31.10.2003 йил.

тизимига «**мусодара қилиш**» жазо турларидан бири сифати киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таҳлилларига кўра давлат харидларида коррупцион омилларни жиловлашда бюджет ташкилотларида комплаенс назоратнинг жорий этилиши ёки давлат харидида иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизимининг жорий этилиши соҳада коррупциянинг олди олинишини асоси бўлиб ҳисобланмайди.

ИХТТги давлат харидларида коррупцияни олдини олинишини таъминловчи бир нечта тамойилларни жорий этилишини тавсия этади.⁴⁴

Булар:

- **давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;**
- **Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш;**
- **Давлат харидлари жараёнларида манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;**
- **Электрон давлат харидлари тизимини жорий этиш;**
- **Назоратни амалга ошириш ва таъсир чораларини қўллаш.**

Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги деганда харид қилиш жараёнининг ягоналиги, бир бутунлиги назарда тутилади. Яхлитлик тамойили давлат харидларида иштирокчи мансабдор шахсларнинг ҳалоллиги, поклиги ва ўрнатилган чекловларга ва ўрнатилган “Одоб-ахлоқ Кодекси” нормаларига сўзсиз амал қилишларини назарда тутди.

Мазкур принцип орқали давлат харидлари иштирокчиларининг ҳаракатларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ёки манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, давлат харидларида иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг даромадларини декларация қилиш, бюджет ташкилотларида ва бошқа давлат харидлари иштирок этаётган хўжалик юритувчи субъектларда **информаторлар (whistleblowers)** тизимини йўлга

⁴⁴Preventing Corruption in Public procurement. OECD, 2016 йил 10-бет

қўйиш, бунда қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан белгиланган тартибда хабар берган шахсларни моддий томондан рағбатлантириш, уларни турли таййиқлардан, ҳуқуқлари чекланиши ва бузилишидан қонуний тартибда ҳимоя қилиш масалаларини ўз ичига олади. Масалан, Канадада давлат харидларини тартибга солувчи **Одоб-ахлоқ Кодекси**⁴⁵ мавжуд. Мазкур Кодекс Канаданинг **“Молиявий бошқарув тўғрисида”ги Қонуни** ва **“Федерал жавобгарлик тўғрисида”ги Қонунини** ўзида бирлаштиради, Кодекс давлат харидларининг барча иштирокчилари учун мажбурий характерга эга ва харидларда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ҳамда коррупцияга қарши чоралар, шунингдек, давлат харидларига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат сиёсатини ўзида мужассамлаштирган.

Давлатимизда ҳам нафақат давлат харидларида балки умумий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ҳамда коррупцияга қарши чораларни ўзида акс эттирувчи “Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ Кодекси”ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш тамойили:

Харидлар жараёнида шаффофликни таъминлаш орқали нафақат давлат харидлари иштирокчиларининг турли суиистеъмолчиликлар содир этганликлари учун жавобгарлик таъминланади ҳамда харидлар жараёнида рақобатни қўллаб қувватлаш, унда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш, тегишли давлат органларига, давлат харидларининг субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган дастурий таъминот маҳсуллари яратиш имконияти пайдо бўлади.

Давлат харидлари циклининг барча босқичлари ҳақида фуқаролик жамияти институтларининг ўз вақтида хабардор этилиши давлат

⁴⁵Code of Conduct for Procurement in Canada- Канаданинг давлат харидларини тартибга солувчи Одоб-ахлоқ Кодекси

органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш билан бирга давлат харидлари иштирокчилари ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига ва тадбиркорлик сири билан боғлиқ сирларни ҳимоя қилиш ҳамда сир сақланиши лозим бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш чораларини кўриш лозим бўлади.

Шунингдек, давлат харидлари тизимида шаффофликни таъминлаш бўйича яратилган платформалар давлат ва хусусий сектор ўртасида молиявий оқимларнинг шаффофлиги, давлат молиявий ресурсларини самарали ишлатиш учун давлат идоралари масъулиятини ошириш, қабул қилинган ва режалаштирилган инвестициялар ва лойиҳаларнинг назоратини таъминлашда, бундан ташқари, ноқонуний бошқарув рискларини камайтиришга тurtки бўлади.

Бизнинг фикримизча ИХТТнинг мазкур тавзиясидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига қуйидагиларни жорий этиш зарур:

1. Даромадлар декларациясини топшириш талаб этиладиган шахслар доирасини, даромадлар ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизимининг ҳар бир босқичини жорий этиш механизмларини, декларацияларни мониторинг қилиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тартибини, декларацияни тақдим этишдан бош тортганлик ва қасддан нотўғри маълумотларни киритганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида»ги қонунини** ишлаб чиқиш ва қонун воситасида давлат хизматчисининг даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини яратиш;

2. **Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунини** ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали давлат харидлари амалга ошириладиган махсус ахборот

порталида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган хавфларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги:

- маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш;
- қатнашчининг давлат харидларидаги иштироки тарихи (маҳсулот, хизмат етказиб берувчининг илгари иштирок этган танловлари, бажарган ишлари);
- қатнашчининг бенефициарлари ҳақидаги маълумотлар;
- буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликлар (қариндошлик, бирга таълим олганлик, меҳнат фаолияти ёки бизнес алоқалари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар).
- Автоматлаштирилган тизим орқали манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолларда автоматик равишда давлат хариди жараёнида битимга даъвогарнинг иштирокини чеклаш каби масалаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

3. Охирги бенефициарларга оид маълумотларни олиш ва уларнинг реестрини юритиш амалиётини йўлга қўйиш;

4. Давлат харидлари бўйича шикоятларни тўғридан-тўғри Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга юбориш ва кўриб чиқиш механизмларини жорий этиш лозим.

Юқорида келтирилган қонунлар жорий этилиб, маълумотлар базаси шакллантирилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **“Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизими-(ДМБАТ)”** ҳамда **“UZASBO”** порталларини, Давлат Солиқ қўмитасининг солиқ тўловчиларга оид барча маълумотлар жамланган **“TAXATION”** маълумотлар порталини, Давлат хизматлари марказининг тадбиркорлик субъектларига оид маълумотлар базаси, Давлат Божхона қўмитасининг экспорт-импорт операцияларини ва божхона маълумотларини ўзида акс эттирган маълумотлар базасини, кўчмас мулк, транспорт воситаларига оид электрон платформаларни, давлат хизматчисининг даромад ва мол-мулк

декларациялари бўйича маълумотлар базасини, охири бенефициарларга оид маълумотлар базасини ҳамда Ички Ишлар вазирлигининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни ҳисобга олишга доир ахборот порталларини ўзида интеграция қилган ягона, сунъий онг орқали бошқарилувчи веб-портални Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментида яратишни таклиф этамиз.

Ушбу орқали иқтисодий жиноятларга қарши курашишнинг аниқ механизмлари яратилиб, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда янада ижобий натижаларга эришилади, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг хизмат ваколатларини суиистеъмол қилинишини, авваламбор давлат харидлари процедураларида тизимли коррупция ва адолатсизликни ҳамда носоғлом рақобатни чеклашда ижобий натижаларга эришилади деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидлари жараёнларида манфаатдор томонларнинг иштирок этиши таъминли

Кенг жамоатчилик олдида ҳукуматнинг ҳисобдорлигини ошириш ҳамда фуқаро ва юридик шахсларнинг давлат муассасаларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида давлат харидлари жараёнида масалан танлов, тендерлар ўтказишда, давлат харидларига оид битимлар натижаларини қабул қилишда фуқаролар, нодавлат-нотижорат, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар иштироки таъминланади. Бу усул ИХТТга аъзо давлатларда узоқ йиллик амалиётларга эга ва ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари, хусусан матбуот, телевидения ва ижтимоий тармоқларнинг иштироки сезиларли таъсирга эга ҳисобланади.

Кўплаб давлатларнинг қонунчилигида айрим турдаги, катта суммадаги давлат харидларида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иштирокига чекловлар мавжуд. ИХТТнинг тавсияга кўра давлат харидларига оид барча тендерларда кичик ва ўрта бизнес вакилларига мазкур тендерларда иштирок

этиш имкониятини бериш лозим. Мазкур тендерларда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокининг чекланиши мазкур жараёнларда давлат харидлари процедураларининг мураккаблиги, турли бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги билан характерланади. ИХТТга аъзо давлатларнинг кўпчилигида баъзи давлат харидлари жараёнида кичик ва ўрта бизнес вакилларига преференциялар бериш, давлат харидлари жараёнларини содалаштириш амалиётидан кенг фойдаланилади. Сабаби дунёда бизнес вакилларининг 90 фоизи кичик ва ўрта катламга тўғри келади. Давлат харидларига оид айрим тендер савдоларига кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини таъминланиши рақобатчи корхоналарнинг кўпайиши ва нархлар пастлашига олиб келиши ва бу билан коррупцияни олдини олишга эришиш мумкин.

Электрон давлат харидлари тизими (E-procurement)

Кўплаб ИХТТга аъзо давлатлар молия тизимига электрон давлат харидлари усулларини биринчилардан бўлиб жорий этганлар. Бундан кўзланган мақсад соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат харидлари жараёнларини ошкоралигини ошириш, оммавий харид процедураларига киришни осонлаштириш, бюджет ташкилотлари ва таъминотчи корхоналарнинг тўғридан-тўғри учрашувини камайтириш орқали харидларда “инсон омилини” чеклаш, шунингдек **тижорий таклифларни сохталаштириш схемаларини (bid rigging schemes)** олдини олиш ва бу орқали коррупцияни жиловлашдан иборатдир.

Назоратни амалга ошириш ва таъсир чораларини қўллаш.

Давлат харидларининг бутун циклини назоратга олиш нафақат ҳисобдорлик ва яхлитлиликни таъминлашда балки олинган натижалар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, коррупцион элементлар бартараф этилади. Шунингдек, харидлар жараёнидаги етарлича ва адекват назорат соҳада юзага келиши мумкин бўлган турли рискларни олдини олади. Бундан ташқари, назорат орқали ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланиб жавобгарлик масаласи таъминланади, тегишли санкциялар қўлланади.

Давлат харидларининг бутун циклини назоратини ички ва ташқи назоратга бўлиш мумкин. Ички назорат молиявий назорат, ички аудит, менежмент назорати ва комплаенс назоратларга ажратилади. Ташқи назоратни эса асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд тизими амалга оширади.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тармоғи томонидан 2003 йилда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режаси бошланган бўлиб, ҳаракатлар режаси ўзаро баҳолаш бўйича субрегионал дастур ҳисобланади, унга қўшилган Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистонда коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг қўллаб-қувватлаш ва ўзаро баҳолаш орқали амалга оширилади. Ушбу давлатлар ИХТТнинг Коррупцияга қарши курашиш тармоғи кўмагида такрорланувчи ўзаро мониторинглар орқали коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатларга берилган тавсияларнинг бажариб борилиши таҳлил қилинади ҳамда натижалари бўйича давлатларга ислоҳотларни кучайтириш ёки янги тавсияларни бажариш бўйича кўрсатмалар бериб борилади.

Тавсиялар одатда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларини бажаришга кўмаклашиш, бу соҳадаги илғор хорижий тажрибалар ва бошқа ижобий стандартларни миллий қонунчиликка жорий этиш билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон охириги маротаба Истамбул ҳаракатлар режасини амалга оширилиши бўйича 2018 йилда 4-мониторингдан ўтказилган ва унинг ҳисоботи 2019 йил март ойида қабул қилинган.

Мазкур ҳисоботга кўра, Ўзбекистонга 3-раунд доирасида берилган 23 та тавсиялардан 3 таси тўлиқ бажарилган, 8 таси бўйича деярли бажарилган, 10 таси қисман бажарилган, бажарилмаган тавсиялар бўлмаган.⁴⁶

⁴⁶[электрон манба] <https://xs.uz/uzkr/post/monitoring-natizhalari>

Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди бўйича Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тавсиялар берилган бўлиб, 28-тавсия бевосита молия тизимининг давлат харидларида коррупцияни олдини олиш ва фoш этишга қаратилган.

28-тавсиянинг 1-бандида тўғридан-тўғри шартномалар асосида ҳамда ягона етказиб берувчилар (стратегик корхоналар) билан шартномалар тузиб бюджет ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга оширишни камайтирган ҳолда рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини жорий қилиш юзасидан алоҳида қонун қабул қилиш ёки мавжуд “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга ўзгаришлар киритиш тавсия этилган.

Мазкур тавсия ҳақиқатдан асосли деб ҳисоблаймиз, сабаби статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак 2021 йилнинг 9 ойида 99,5 трлн. сўмлик давлат харидлари амалга оширилган.

Мазкур харидларнинг 59,7 фоизи ёки 59,8 трлн. сўм миқдори **тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали** амалга оширилган ва бу жараёнда давлат буюртмачилари **иложи борича рақобатсиз, коррупцион ва афилланган йўллари танлаганликларига** асосли шубҳа уйғонади.⁴⁷ Масалан, **Халқ таълими вазирлиги** томонидан 2021 йилнинг 9 ойида таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик жамламаларни нашр этиш учун мўлжалланган қоғоз ва бошқа материалларни харид қилиш учун **1,5 трлн.** сўмлик давлат харидлари рақобатсиз, тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сонли Қарорида 45 турдаги товарларни бюджет ташкилотлари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилишлари мумкинлиги кўрсатилган. Мазкур 45 турдаги товарлар рўйхатини 20 тургача қисқартириш, яъни қолган 25 турдаги товарларни харидини биржа савдолари орқали амалга оширишни йўлга қўйиш таклиф этилади. Бунда Ўзбекистон

⁴⁷ Бош прокурорнинг Президент Администрациясига йўллаган маълумотномасидан олинди.

Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати госпиталлари, даволаш-профилактика, таълим муассасалари, меҳмонхона ва ресторан хизматлари кўрсатиш, мурувват ва ногиронлар уйлари, меҳрибонлик уйлари ва интернатлар, қариялар уйлари учун озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (мева, сабзавот, полиз экинлари ва дуккакли маҳсулотлар)ни харид қилиш тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилган ҳолда қолган 25 турдаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш биржа савдолари орқали амалга оширилишини таъминлаш лозим.

Бизнинг фикримизча бунинг натижасида, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам ўзи ишлаб чиқарган озиқ-овқат маҳсулотларини биржа орқали сотиш имконияти вужудга келади, бюджет буюртмачилари томонидан давлат харидларини амалга оширишда эркин рақобат муҳити яратилади, маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши таъминланади, Давлатнинг инвестицион жозибадорлиги ошади ва энг асосийси тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали давлат харидларини амалга оширишда коррупциянинг турли кўринишларини олди олинади.

28-тавсиянинг 2-бандида "Давлат харидлари тўғрисида" ги қонунга мақбул иқтисодий асосланган критериялар асосида такомиллаштириш, шунингдек, давлат харидларига оид шартномаларни бажариш масалаларини тўлиқ қамраб олиншини таъминлаш тавсия этилган.

2018 йил 21 майда Адлия вазирлигидан 3015-сон билан рўйхатдан ўтказлиган **“Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”** ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг буйруғини 38-бандида **“Корпоратив буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закат киритиш зарурати ва миқдори корпоратив буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закат электрон танлов ёки электрон тендер ғолиби билан**

шартнома тузилгунига қадар хатланади. Бунда закат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак⁴⁸лиги белгиланган.

Ҳозирда мазкур закат суммаси кам миқдорни ташкил этганлиги сабабли кўп ҳолларда электрон харид ғолиблари томонидан шартнома шартларини муддатида бажармаслик ёки мутлақо бажармаслик, шунингдек буюртмачи билан ноқонуний тил бириктириб шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган товарларни етказиб бериш ҳолатлари, бундан ташқари харидларга сарфланиши лозим бўлган давлат бюджети маблағларини нақдлаштириш ҳолатлари учрамоқда.

Ушбуларга кўра, бюджет буюртмачилари ва электрон савдолар ғолиблари ўртасида тузиладиган шартномалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга асосан тартибга солинишини;

закат суммаси шартнома суммасининг камида 20 %ини ташкил этиши ва электрон харид ғолиби шартнома мажбуриятини бажаргунига қадар Ҳисоб-китоб клиринг палатаси ҳисобрақамида сақлаб турилиши;

Шунингдек, электрон харид ғолиби томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда закат суммаси бюджет ташкилотининг ҳисобрақамига ўтказиб берилиши шу билан бирга харидларни амалга оширишга масъул бўлган мансабдор ёки моддий жавобгар шахси ва харид ғолиби ўртасида ноқонуний тил бириктирилишини олдини олиш мақсадида закат суммасининг 50 фоизини буюртмачининг харидларни амалга оширишга масъул бўлган ходимига бонус сифатида берилиши ҳақида қонунга норма киритилишини тақлиф этамиз.

Қонунга мазкур норманинг киритилиши билан “бир кунлик фирмалар”, “нақдлаштирувчи” хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат харидларига оид электрон савдоларда иштироки чекланади ҳамда буюртмачи ва таъминотчи ўртасидаги коррупциянинг турли кўринишларини олди олинади.

⁴⁸2018 йил 21 майда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг буйруғи

28-тавсиянинг 3-банди: "Давлат харидлари тўғрисида" ги қонунда назарда тутилган харидларнинг барча усулларини қамраб олувчи қўшимча модулларни жорий этиш орқали электрон харидлар тизимини такомиллаштириш ва унда норезидент хўжалик юритувчи субъектлар иштирокини таъминлашга шароит яратиш;

28-тавсиянинг 4-банди: Янгиланган харид маълумотларини очиқлаш, шу жумладан иштирокчилар ва сотиб олиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шикоятлар тўғрисидаги статистика ва уларни кўриб чиқиш тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда нашр этилишини таъминлаш;

28-тавсиянинг 5-банди: Коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган юридик шахсларни давлат харидларига оид битимларда иштирокини чеклашга доир ҳуқуқий асослар яратиш ва мазкур қоидаларни такомиллаштириш.

Бизга маълумки, давлатимиз ҳуқуқ тизимида юридик шахсларнинг жавобгарлиги тушунчаси мавжуд эмас. Шунинг учун биз томонимиздан коррупцион жиноят содир этган шахс раҳбарлик қилаётган, ушбу шахс бенефициар ёки таъсисчи бўлган хўжалик юритувчи субъектни давлат харидларида иштирокини чеклаш таклиф этилади.

28-тавсиянинг 6-банди: Давлат харидлари иштирокчисининг аффилиланган шахсига ойдинлик киритиш, харид иштирокчиларининг охириги бенефициар эгалари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш орқали манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва олдини олиш механизмларини кучайтириш;

28-тавсиянинг 7-банди: Харид қилувчи ташкилотлар (бюджет ташкилотлари) ўзларини тизимларида коррупцияга қарши кураш ва олдини олиш механизмларини жорий этишлари ва ўрта муддатларда коррупцияга қарши **ISO 37001** стандарти бўйича сертификатга эга бўлишлари лозим.

28-тавсиянинг 8-банди: Бюджет ташкилотлари ва таъминотчи корхоналар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари

ходимларини давлат харидлари тартиб – таомиллари ва унда коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича мунтазам равишда ўқитишни кучайтириш;

28-тавсиянинг 9-банди: Хусусий сектор корхоналари, айниқса, давлат харидларида иштирок этаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг **коррупцияга қарши хартиясини** шакллантириш ва тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш каби тавсиялар берилган.

2.2-§ Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси

Давлат харидлари соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат маблағларини самарали бошқариш, шунингдек, харид жараёнларида рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекларини ушбу соҳага кенгроқ жалб этиш, коррупцияни олдини олиш каби қатор мақсадларни кўзлайди.

Давлат харидларининг самараси амалдаги қонунчилик, давлат харидини тартибга солувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ҳамда харидни амалга оширувчи ходимларнинг профессионаллик даражаси каби омилларга бевосита боғлиқ.

Давлат харидини бошқаришнинг хорижий тажрибаси, хусусан, АҚШ, Австралия, Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланаётган давлатлар амалиётини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларини мамлакатимиз давлат хариди тизимини бошқаришнинг самарали механизмаларини жорий этиш мазкур соҳада коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидини ташкил этишда **АҚШ тажрибаси** алоҳида ўрин эгаллайди. АҚШ ҳукумати мудофаани таъминлашга, таълим тизимига, соғлиқни сақлаш соҳаси, йўл қурилиши ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларни молиявий таъминлаш учун давлат харажатларни амалга оширади. АҚШда штатлар ҳукумати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари товарлар ва

хизматлар сотиб олиш учун федерал ҳукуматга нисбатан ҳам кўпроқ харажатларни амалга оширади.

АҚШнинг давлат хариди соҳасидаги фаолиятини умумий мувофиқлаштириш - **Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal Procurement Policy-OFPP)**⁴⁹) томонидан амалга оширилади. Бу орган дастлаб, Бюджетни бошқариш бошқармасида маслаҳатчи орган сифатида 1974 йилда ташкил етилган, 1988 йилдан ҳукуматнинг доимий фаолият юритувчи органи сифатида фаолият юритмоқда. OFPPга АҚШ президенти томонидан тайинланадиган ва Сенат томонидан тасдиқланадиган (Администратор) раҳбарлик қилади.

Федерал харид агентликлари томонидан амалга ошириладиган барча харидлар 1984 йилда ишлаб чиқилган давлат харидини тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси (**Federal Acquisition Regulation-FAR**)⁵⁰ билан тартибга солинади. Унда харидни ташкил етишнинг барча босқичлари – харидни режалаштириш, давлат харидини амалга оширишни бошқариш ва уни яқунлашгача бўлган барча босқичлар ўз аксини топган. FARдан кўзланган асосий мақсад - давлат эҳтиёжи учун харидни амалга оширувчи барча федерал агентликлар томонидан ягона харид сиёсатини амалга ошириш ва ягона харид қоидаларидан фойдаланишни таъминлашдан ва бу орқали соҳада коррупцияни олдини олишдан иборат. FARнинг миссияси эса, харидни амалга оширишга бўлган вақт чекланганлигини инобатга олган ҳолда, давлат буюртмачиларини энг оптимал баҳо ва сифат муносабатини таъминлаган ҳолда товарлар ва хизматлар билан таъминлаш ва коррупцияни жиловлашдан иборат.

АҚШ хорижий мамлакатлар орасида давлат харидини ахборот билан таъминлаш соҳасида энг бой тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. АҚШда давлат харидини федерал даражада тартибга солиш бўйича дастлабки қонун 1972 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун

⁴⁹ С. Фишер ва бошқалар. “Иқтисодиёт”. Москва. Делолтд. 2007 г

⁵⁰ <https://www.whitehouse.gov> and Wikipedia (Federal Acquisition Regulation)

харидни амалга ошириш бўйича ваколат Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигига юклатилган.

АҚШда давлат хариди тизими марказлаштирилмаган тарзда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда федерал органлар эҳтиёжлари учун харажатни амалга ошириш **Умумий хизматлар Бошқармаси (УХБ)** ⁵¹ зиммасига юклатилган. УХБ АҚШда 1949 йилда ташкил этилган. Асосий вазифаси федерал ҳукумат, бюджет ташкилотлари учун асосий, биринчи даражали давлат харидларига оид хизматларни кўрсатишдан иборат. Бошқармани ташкил этишдан мақсад бюджет ташкилотлари учун давлат харидларида нархларни асоссиз ошиб кетишини ва коррупцияни олдини олишдан иборат. Бошқармада 12000 га яқин ишчи-ходимлар фаолият юритади, йиллик бюджети ўртача 33,6 млрд. АҚШ доллари ва йиллик ўртача 66,0 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги давлат харидларини амалга оширади ва назорат қилади.⁵²

Вазирлик ва идораларнинг аризаларига асосланиб, УХБ тендер савдоларини ташкил этиш орқали йирик ҳажмдаги улгуржи харидни амалга оширади.

УХБ доимий тарзда турли хилдаги товарлар ҳамда хизматлар учун конкурслар эълон қилиб туради ва унинг натижалари (нархлар, этказиб бериш муддатлари ва бошқа шартлар) махсус каталогларга киритилади. АҚШдаги бирор давлат органи маълум товар, иш ёки хизматларни харид этиш зарур бўлганда, Умумий хизматлар Бошқармаси томонидан жўнатилган каталогдан зарурий товар ёки хизматни топиб, уни ҳеч қанақа ортиқча жараёнларсиз каталогда кўрсатилган шартлар асосида сотиб оладилар.

Товарлар УХБнинг юкхоналарида сақланади ва буюртмачиларга улгуржи баҳолар устига сезиларсиз устама қўшиш билан (УХБнинг фаолият харажатларини қоплаш мақсадида қўшиладиган) қайта сотилади. Буюртмачиларга Умумий хизматлар Бошқармаси томонидан марказлашган

⁵¹ General Services Administration-GSA-Умумий хизматлар бошқармаси.

⁵² Wikipedia: General Services AdministrationИнглиз тилидан таржима.

ҳолда сотиб олинadиган 4 млн дан ортиқ товарлар хилма-хиллиги таклиф этилади. Умумий хизматлар Бошқармаси томонидан бажариладиган яна бир муҳим вазифа бу - харид этиш жараёни харажатларини пасайтиришдан иборатдир. Масалан, Умумий хизматлар Бошқармаси томонидан харид учун сарфланган харажатлар умумий харажатларнинг ўртача 1,5-2 фоизини ташкил этади.

АҚШнинг Умумий хизмат бошқармаси (УХБ) Procurement G6нинг аъзоси ҳисобланади. Procurement G6 бу давлат харидлари норасмий равишда унификация қилинган 6 давлатнинг харид тизимидир. Аъзо давлатлари: Канада, Чили, Италия, Жанубий Корея, Буюк британия ва АҚШ ҳисобланади.

Procurement G6⁵³ аъзо давлатлар ўртасидаги, халқаро миқёсдаги давлат харидларини тартибга солиб турувчи кўптомонлама тузилма ҳисобланади. Аъзо давлатларнинг ваколатли органлари йиллик йиғилишлар ўтказди ва ўзаро тажриба ва маълумотлар алмашади.

Хусусан, тузилма аъзо давлатлардаги:

- e-procurement (электрон давлат харидлари базаси) тизимларидаги ахборот алмашинуви;
- кичик ва ўрта кўшма корхоналардаги харидларни тартибга солиш;
- Марказий харид тузилмаларининг фаолиятини тартибга солувчи инструментлар ва уларнинг харид кўрсаткичлари ҳамда харид жараёнларининг миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш;
- Аъзо давлатлар ўртасида давлат харидларини амалга оширишда коррупцион рискларни камайтиришга қаратилган чоратадбирлар;
- “яшил давлат харидлари” жараёнларини ижросини амалга оширилиши ва назорат қилинишини таъминлайди.

⁵³Multilateral Meeting on Government Procurement (MMGP)-Халқаро давлат харидларини амалга оширувчи тузилма.

Давлат харидлари тизимидаги шаффофликни таъминлашда Мексика, Австралия, Бразилия ва Селавения давлатларининг тажрибасини мисол келтиришимиз мумкин.

Мексика давлатида **“Compranet”**⁵⁴ номланишдаги ахборот портали мавжуд унда давлат органларининг давлат харидлари асосида сотиб олиниши кутилаётган, сотиб олинган товар, иш, хизматлари, давлат харидлари билан боғлиқ ижара ва лизинг битимлари, умуман давлат харидларини барча жараёнларини қамраб олган маълумотларни кенг оммага ошкора тақдим этувчи марказий харидлар тизими маълумотлари жойланади. Мазкур марказий харидлар тизими орқали маълумотларни ошкор қилиш давлат органлари учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек мазкур порталда харидлар билан боғлиқ маълумотлар, харид дастурлари, тендер комиссиялари баённомалари, йиғилиш протоколлари, давлат харидлари иштирокчиларининг берган илтимосномалари, ариза ва шикоятлари ҳамда уларнинг кўриб чиқиш натижалари ошкора эълон қилиб борилади.

Австралия давлатида ҳам давлат харидларида шаффофлиликни таъминлаш учун **“AusTender”**⁵⁵ платформаси мавжуд. Платформа 2005 йилда ишга туширилган. Давлат органлари давлат харидларига оид барча маълумотларни мазкур платформада ошкора киритишлари шарт. Унда давлат органларининг йиллик харидлар режаси, тендер савдоларига қўйилган проектлар, тендер ва тижорий таклиф келишувлари, харидлар қиймати, миқдори, шартномалар, уларнинг бажарилиш муддатлари марказлашган тартибда платформа орқали жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

Бразилия давлатида ҳам **Шаффоф Федерал давлат бошқаруви портали**⁵⁶ 2004 йил ноябрь ойидан бери фаолияти юритади. Порталга истаган шахс исталган вақтда логин ва паролларсиз кириши ва давлат бошқарувида оид, хусусан, давлат харидлари жараёнлари билан боғлиқ

⁵⁴ www.compranet.gob.mx

⁵⁵ <https://www.tenders.gov.au/event=public.reports.list>

⁵⁶ www.portaldatransparencia.gov.br

маълумотларни олиш имкони мавжуд. Порталда маълумотлар кунлик янгиланиб туриши сабабли маълумотлар реал вақт режимида қўлга киритилади. Шунингдек, порталда маҳаллий ва консолидациялашган бюджет даромадлари, харажатлари, бюджет жараёнлари, бюджет ижросига доир маълумотлар 2010 йилдан бери кунлик киритиб борилади.

Славения давлатида **“Erar”**⁵⁷ (дастлаб **Supervizor** номи билан танилган), оммавий веб-илова бўлиб, унинг асосий мақсади фуқароларга давлат харажатлари тўғрисида маълумот беришдир. Веб-илова 2003 йилдан бери фаолият юритади, дастлаб иловада фақатгина бюджет ташкилотларига оид молиявий маълумотлар, шунингдек давлат харидларига оид маълумотлар киритилган бўлса, 2014 йилда бошлаб жамоат ташкилотларининг маълумотлари ҳам киритила бошланди.

Аҳамиятли томони шундан иборатки, мазкур веб-портал давлат органлари, жамоат ташкилотларининг барча ахборот манбалари билан ўзаро интеграция қилинган ва уни инсон иштирокисиз сунъий интеллект орқали бошқарилади. У орқали давлат харидлари иштирокчиларига оид исталган ахборотни олиш мумкин. Порталдаги маълумотлар кунлик янгиланиб борилади. Масалан: Славения давлатининг бир бюджет ташкилотига товарлар етказиб берган хўжалик юритувчи субъектнинг:

- Таъсис этилиши билан боғлиқ маълумотлар; (устав фонди, таъсисчилари рўйхати, уларнинг улуши, субъект қачон ташкил этилгани, юридик манзили, асосий фаолият тури, раҳбарларига оид маълумотлар, (уларнинг жинсий жавобгарликка тортилганликларига оид маълумотлар-ушбу маълумотлар Коррупцияга қарши курашиш Агентлигида фойдаланиш имконияти берилган);
- Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги бенефициарларига оид маълумотлар;

⁵⁷Commission for the Prevention of Corruption, Slovenia: www.kpk-rs.si

- Субъект раҳбарлари, таъсисчилари ва охириги бенефициарларининг даромадлари декларацияси, шунингдек манфаатлар декларациясига оид маълумотлар;
- Давлат харидларини амалга оширган бюджет ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъект ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши мумкин деб ҳисобловчи асосли таҳлиллар;
- Хўжалик юритувчи субъектнинг йирик банк айланмалари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши ва тўланиши ҳолатлари;
- Хўжалик юритувчи субъектнинг экспорт ва импорт операцияларига оид маълумотлар;
- Субъект томонидан бюджет ташкилотига етказиб берилган товарларни субъект ишлаб чиқарганлиги ёки қандай тартибда, бошқа субъектлардан харид қилганлигига оид маълумотлар.
- ва Бошқа маълумотлар.

Мазкур маълумотлар веб-портални бошқарувчи “**сунъий онг**” орқали таҳлил этилади ва натижалар Славениянинг Коррупцияга қарши курашиш Агентлигига тақдим этилади. Агентлик олинган маълумотлар орқали ваколат доирасидаги таъсир чораларини кўриб боради.

Шунингдек, мазкур портал давлат ва хусусий сектор ўртасида молиявий оқимларнинг шаффофлиги, давлат молиясини самарали ишлатиш учун давлат идоралари масъулиятини ошириш, қабул қилинган ва режалаштирилган инвестициялар ва лойиҳаларнинг назоратини таъминлашда, бундан ташқари, ноқонуний бошқарув рискларини камайтиришга туртки бўлади.

Бир қатор ривожланган давлатларда ҳукуматнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида **давлат харидларига оид жараёнларида аҳолининг турли ижтимоий қатламларидан кузатувчиларни иштироки таъминланади.**

Масалан давлат харидлари жараёнларида манфаатдор томонларнинг иштироки АҚШда 2014 йилдан бери йўлга қўйилган. Федерал харид сиёсати

бошқармаси (Office of Federal procurement Policy-OFPP ⁵⁸) ва Харид консилиги Бошқармаси (Chief Acquisition Officers Council-CAOC) билан биргаликда “**Очиқ мулоқотларга хуш келибсиз**” шиори остида Қўшма штатлардаги давлат харидларига оид юзага келган низолар, муаммолар, турли тўсиқларни ҳал этиш юзасидан очиқ мулоқотлар ўтказиб келинади ⁵⁹.

Мексика давлатида 2009 йилдан бери давлат харидларида шаффофлик ва яхлитликни ҳамда манфаатдор томонларнинг иштирокини таъминлаш учун “ижтимоий гувоҳлар” (**Social witnesses**) платформасини йўлга қўйган. Бунда ижтимоий гувоҳлар сифатида фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар ҳамда давлат харидида манфаатдор тарафларнинг вакиллари айрим тендер савдоларининг ва давлат харидларининг барча босқичларида иштирок этишлари шарт ҳисобланади. ⁶⁰

Кўплаб ривожланган давлатларнинг харидлар тизимида коррупция, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида **Электрон давлат харидлари тизими (E-procurement)**дан кенг фойдаланиб келинади.

Бунга мисол сифатида Жанубий Корея давлатининг (**KONEPS**) интеграциялашган давлат харидлари онлайн платформасини келтиришимиз мумкин.

Кореяда 2002 йилда миллий электрон харидлар тизимининг жорий этилиши соҳанинг сезиларли яхшиланишига олиб келди. Жанубий Кореянинг давлат харидлар хизматини ташкил этиш ва назоратини амалга оширувчи **Марказий харидлар агентлиги** ⁶¹ **KONEPS** номли электрон харидлар тизимини жорий этди. Ушбу тизим давлат харидлар турларининг барчасини ва бутун циклини қамраб олган, жумладан: электрон равишда бир марталик рўйхатга олиш, тендер, шартномалар, текширув ва тўлов жараёнлари. Тизим реал вақт режимида фаолият юритади ва у жорий

⁵⁸ С. Фишер ва бошқалар. “Иқтисодиёт”. Москва. Делолтд. 2007 г

⁵⁹ Chief Acquisition Officers Council (2014), <http://cxo.dialogue.cao.gov/>

⁶⁰ OECD (2013b), <http://dx.doi.org/10.1787/9789264197480-en>

⁶¹ Central Procurement Agency of Korea.

этилганидан бери соҳада коррупцион кўринишлар ва манфаатлар тўқнашувининг турли кўринишлари сезиларли даражада камайди.

АҚШнинг катта суммадаги давлат харидлари учун хусусан, капитал қурилиш (йўл ва кўприклар қўрилиши ва бошқалар) пудратчиларни танлаш тизими алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

АҚШ энг оптимал пудратчиларни танлаш учун 2 босқичли усуллардан фойдаланади:

Биринчи босқичда, тегишли пудрат шартномаси бўйича 6 ўлчовда (ишнинг сифати, ишни бажариш муддати, сарфланадиган харажатлар, ишни бажаришда субпудрат шартномаси асосида кичик бизнес субъектларидан фойдаланиш ва бошқалар) баҳоланади ва пудратчини рейтинги аниқланади.

Иккинчи босқичда, биринчи босқичда фойдаланилган ҳар бир ўлчовлар (ишнинг сифати, ишни бажариш муддати, сарфланадиган харажатлар, ишни бажаришда субпудрат шартномаси асосида кичик бизнес субъектларидан фойдаланиш ва бошқалар) бўйича пудратчининг ўтмиши яъни пудратчи муқаддам бажарган ишларида юқоридаги 6 ўлчов рейтингига қанчалик жавоб берганлиги аниқланади. Шу билан бирга муқаддам пудратчи билан тузилган шартномалар пудратчининг айби билан бекор қилинганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишни кечиктириб бажарилганлиги ҳолатлари текширишилади, бундан ташқари, пудратчи билан боғлиқ, жиноий, маъмурий ва фуқаролик ишларига оид ҳолатлар текшириш билан бирга пудратчи бажарган ишлари натижасида федерал мукофотларни олганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Биринчи босқичдаги маълумотларни пудратчининг ўзи тақдим этса, иккинчи босқичдаги маълумотлар **“Федерал харидларга оид маълумотлар тизими”**⁶² платформасидан олинади. Бундан

⁶²Federal Procurement Data System – Next Generation (FPDS-NG)-Федерал харидларга оид маълумотлар тизими.

ташқари, пудратчиларни баҳолаш рейтингида буюртмачининг комплаенс назорат тизими фаол иштирок этади.⁶³

Хорижий мамлакатларнинг давлат харидларида коррупцияни олдини олишга доир назорат тадбирлари ҳам ўзига хос ҳисобланади. Масалан:

Германияда давлат харидларига оид маълумотларни қайта ишлаш ва кузатиш тартиби:

Германияда давлат харидларининг бутун цикли электрон харидлар тизимига киритиб борилади. Электрон харидлар тизимида бюджет ташкилотлари ва таъминотчи ҳисобланган хусусий бизнес вакилларининг жорий ва ўтган йиллардаги давлат харидларида иштирокига оид маълумотлар сақланади.

Ички Ишлар вазирлиги ҳузурида “Федерал харидлар агентлиги” фаолият юритади ва мазкур тузилма бюджет ташкилотларининг давлат харидларига оид электрон ҳужжатлар оқимининг бутун циклини хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотлари фаолиятига аралашмаган ҳолда кузатиб боради. Ўрганишлар давомида бюджет ташкилоти ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг харидларга оид фаолиятида номуносибликлар ёхуд шубхали операциялар кузатилган тақдирда агентлик томонидан мазкур давлат харидлари иштирокчилари фаолиятида текшириш ўтказишига асос бўлади. Ушбу текширишлар фақатгина коррупцияни фош этибгина қолмай самарали давлат харидлари тизимини йўлга қўйишга имкон беради.⁶⁴

Шунингдек Федерал харидлар агентлиги текширувлар ўтказишда хабар берувчилар (whistleblowers) имкониятларидан ва Тезкор-қидирув фаолиятидан фойдаланади.

⁶³ Инглиз тилидан таржима United States Office of Federal Procurement Policy (2013), www.whitehouse.gov/Improvingthecollectionanduseofinformationaboutcontractorperformanceandintegrity.pdf

⁶⁴Электрон манба, Wikipedia: Federal Procurement Agency, Germany

Кўплаб МДХ давлатларининг **Жиноят Кодекслари**да давлат харидлари тартибини бузганлик учун маъмурий ва маъмурий моддалар мавжуд.

Жумладан, **Россия Федерацияси** ЖКнинг 200.4-моддасида давлат ёки муниципал эҳтиёжларни таъминлаш учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш соҳасида суиистеъмолчиликлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, давлат харидлари соҳасидаги қонунчиликни қасддан шунингдек, шахсий манфаатларни кўзлаб, кўп миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарларга 3 йил муддатга маълум бир фаолият билан шуғулланиш чекланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Оғирлаштирувчи ҳолатларда (бир гуруҳ шахслар, жуда кўп миқдорда зарар етказиш) 5 йил муддатга мажбурий ишлар, 3 йил муддатга маълум бир фаолият билан шуғулланиш чекланиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади⁶⁵.

Қозоғистон Жиноят Кодексининг 190-моддаси (Фирибгарлик)нинг 2-қисми 5-бандида давлат харидлари соҳасида фирибгарликни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Айбдор шахсларнинг мулкни мусодара қилиб 4 йилгача озодликни чеклаш, 3 йилгача маълум бил фаолият билан шуғулланишни чеклаш каби жазолар тайинланади. Оғирлаштирувчи ҳолатларда (4-банд жиноий гуруҳ, жуда кўп миқдорда зарар етказиш) мулкни мусодара қилиб, 5 йилдан 10 йилгача ОМҚ жазоси ва бир умрга муайян лавозимни эгаллаш ёки фаолият тури билан шуғулланишни чеклаш жазолари тайинланади⁶⁶.

Шу каби, Қозоғистон МЖтКнинг 207-моддасида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд.

Тожикистон Жиноят Кодексининг 274-моддасида давлат харидлари ёки тендер ёхуд аукционларни ўтказиш тартибини қасддан бузганлик учун жавобгарлик мавжуд бўлиб, айбдор шахсларга жарима, озодликни чеклаш,

⁶⁵Россия Федерацияси Жиноят Кодекси, 63-ФЗ, 13.06.1996 йил

⁶⁶WWW.online.zakon.kz/ Қозоғистон Республикаси Жиноят Кодекси.

2 йилгача ОМҚ, оғирлаштирувчи ҳолатларда эса 5 йилгача ОМҚ тайинланиши мумкин⁶⁷.

Грузия Жиноят Кодексининг 195¹-моддаси давлат харидларида иштирок этиш қоидаларини бузиш деб номланган. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган тартиб-таомилларни бузиш оқибатида харид ташкилотининг манфаатларига жиддий зарар етказилган тақдирдагина жиноят тугалланган ҳисобланади. Шунингдек, Грузия ЖКсида **юримдик шахсларга аҳолида жавобгарлик** белгиланган бўлиб, уларга фаолият билан шуғулланишни таъқиқлаш, тугатиш (ликвидация) ёки жарима қўлланилади⁶⁸.

⁶⁷WWW.online.zakon.kz/ Козоғистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Кодекси

⁶⁸ <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>

III БОБ. МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Давлат молияси соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш аввало давлатнинг “фискал ва монетар” сиёсатини тўғри йўлга қўйилишига, макро ва микроиқтисодий соҳалар ривожига ва аҳоли бандлигига ҳамда даромадлари даражасини оширишига, молиялаштириш имкониятларининг оширилишига олиб келади. Молия соҳасида коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш учун аввало “хушёр” парламент ва сифатли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги **“Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”**ги ПҚ-128-сонли Қарори қабул қилиниб, Молия вазирлиги таркибидаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг худудий бошқармалари негизида Молия вазирлиги хузурида **Давлат молиявий назорати инспекцияси** ташкил этилди.

Инспекциянинг асосий вазифаларидан бири бюджет ташкилотларида уларнинг фаолиятига аралашмасдан, жойига чиқмасдан масофавий молиявий назоратни (камерал назорат)ни амалга оширишдан иборат.

Камерал назорат бу-бюджет маблағларининг оқимини, мақсадлилигини, асослилигини бюджет ташкилотлари ва уларнинг контрагентлари фаолиятига аралашмасдан электрон платформалар орқали кузатиб бориш, шубхали операцияларни аниқлаш ва натижада бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолият. Лекин Инспекцияда камерал назорат ўтказишнинг ҳуқуқий асослари етарлича яратилмаганлиги ҳамда керакли ахборотларни олиш учун

бюджет ташкилотларидаги, бошқа назорат қилувчи органлардаги электрон ахборот базалари ягона платформа орқали интеграция қилинмаганлиги натижасида Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилаётган камерал назорат тадбирлари сифатсиз ўтказилмоқда, бунинг натижасида молиявий қонунбузилишлар ўз вақтида ва асосли тарзда аниқланмаяпти ҳамда охир-оқибат давлат бюджетига етказилган молиявий зарарларни ундирилиши пастлигича қолмоқда.

Мисол учун 2019 йилда Давлат молиявий назорат департаменти (*махкама*) томонидан ўтказилган камерал назорат тадбирлари натижасида **546** та объектларда кузатилган жами **38,3** млрд. сўмлик шубҳали ҳолатлар бўйича якуний назорат тадбирлари ўтказилмасдан қонун бузилишига йўл қўйилган.

Шунингдек, Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари учун камерал назорат тадбирлари ўтказилиши учун аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида 2020 йилда **52** та субъект бўйича дастлаб шубҳа қилинган **9,6** млрд. сўмдан **771** млн. сўми (**8%**) тасдиқланиб, **8,8** млрд. сўми ўз тасдиғини топмаган.⁶⁹

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизими-(ДМБАТ)” ҳамда “**Uzasbo**” порталларини, Давлат Солиқ қўмитасининг солиқ тўловчиларга оид барча маълумотлар жамланган “**Taxation**” маълумотлар порталини, Давлат Божхона қўмитасининг экспорт-импорт операцияларини ва божхона маълумотларини ўзида акс эттирган маълумотлар базасини, шунингдек қурилиш, тамирлаш ишлари бўйича тузиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда уларнинг техник экспертизасига оид электрон платформа яратиб, мазкур ахборот порталларини ягона веб-порталга интеграция қилиш ва ундан Инспекция ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида олиб борилаётган камерал назоратда фойдаланиш имконини беришни таклиф этамиз.

⁶⁹Статистик маълумотлар Бош прокуратуранинг Молия вазирлигига киритган тақдимномасидан олинди.

Бундан ташқари, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган текшириш материалларида жиноят аломатлари мавжуд бўлса прокуратура ёки Департамент органларига тақдим қилиш тартиби мавжуд. Лекин текширишларда аниқланган молия соҳасидаги оз миқдорда талон-торожликлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 61-моддасида жавобгарлик назарда тутилган бўлсада мазкур материаллар инспекция томонидан кўрилмай қолдирилмоқда. Бунга сабаб инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўрганишларда аниқланган оз миқдордаги талон-торожликлар юзасидан маъмурий баённома расмийлаштириш ва уларни судга тақдим қилиш механизми мавжуд эмас.

Мисол учун, биргина 2021 йилда оз миқдордаги маблағларни талон-торож қилган **763 нафар** мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинмай қолган.

2. Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **264¹-моддасига** тегишли ўзгартириш киритиб, Давлат молиявий назорати инспекциясига МЖТКнинг 61-моддаси билан баённома тузиш ваколатини беришни тақлиф қиламиз.

Бюджет ташкилотларида ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблашга мўлжалланган **“UZASBO”** дастурининг маънан эскирганлиги, ходимларга ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш “кўл режими”да амалга ошириб келинаётганлиги молия соҳасида коррупциянинг авж олишига ва давлат маблағларининг ноқонуний сарфланишида, талон-торож қилинишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, сўнгги 2020-2021 йилларда биргина халқ таълими вазирлиги тизимидаги 250 нафар ходимлар томонидан “UZASBO” дастурий мажмуаси ёрдамида 193 млрд сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинган.⁷⁰

⁷⁰ Статистик маълумотлар Бош прокуратуранинг Президент Администрацияга юборган маълумотномасидан олинди.

Масалан, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти мансабдор шахслари дастур ёрдамида бюджетдан ортиқча 20,8 млрд. сўм⁷¹ маблағларни олиб, уларни институт талабаларига тарқатилганлиги ҳақида сохта хужжатлар расмийлаштириб, ўзлаштирганлар.

3. “UZASBO” дастурини такомиллаштиришда маълумотларни таққослаш орқали камчилик ва номувофиқликларни топадиган “Масофавий назоратнинг смарт модули”ни ишлаб чиқиб, дастурга татбиқ этиш ҳамда ушбу модулни барча вазирлик ва идораларнинг дастурий мажмуаларига интеграция қилишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, амалиётда бюджет ташкилотларида қўшимча тўловлар (*рағбатлантириш, устама, моддий ёрдам*) ҳисобланиши ва тўланишида турли меъёрий хужжатлардан фойдаланилиши, бу борада ягона амалиётнинг мавжуд эмаслиги бюджет маблағлари ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Давлат идораларида қўшимча тўловлар тўланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарорлари асосида тартибга солиниб келинмоқда.

Иш ҳақиға қўшимча тўловлар вазирлик ва идораларда турлича ҳисобланиши оқибатида, биргина 2021 йилда 171,4 млрд. сўм ортиқча тўловлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, вазирлик ва идораларда ички буйруқ ва низомларга асосан ходимларни моддий рағбатлантириш (*бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан*) авж олганлиги, “Уз АСБО” дастури такомиллаштирилганда ҳам ортиқча тўловларнинг олдини олишга имкон бермайди.

4. Бюджет ташкилотларида қўшимча тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича меъёрий хужжатларни унификация қилган ҳолда ягона меъёрий хужжат ишлаб чиқиб, унда ходимларга бюджетдан ташқари маблағлар

⁷¹ Статистик маълумот Давлат молиявий назорат Инспекциянинг ҳисоботларидан олинди.

ҳисобидан кўшимча тўловларни амалга ошириш тартиботларини ҳам аниқ акс эттириш таклиф этилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан 2022 йил 3 ойи давомида давлат харидлари билан боғлиқ 47 та жиноят ишлари кўзгатилиб, ҳуқуқбузарлар томонидан 15,6 млрд. сўм давлат бюджетига зарар келтирилганлиги аниқланган. Шундан:

- Бажарилмаган иш, хизматларни кўшиб ёзиш- 3 та ҳолатда, 251,4 млн. сўм;
- Сотиб олинмаган товарларни сотиб олинганлиги тўғрисидаги сохта ҳужжатлар расмийлаштириш- 8 та ҳолатда, 1 млрд. 489,5 млн. сўм;
- Давлат харидларини ўтказиш тартиб-таомиллари бузилган ҳолда (танлов, тендер савдолари ўтказмасдан) ўзлаштириш ҳолатлари-6 та ҳолатда, 1 млрд. 515 млн. сўм;
- **Товар, иш, хизматларни қиммат нархларда харид қилиш-29 та ҳолатда, 11 млрд. 748,6 млн сўм.**⁷²

Бундан кўриниб турибдики, Департамент органлари томонидани давлат харидларига оид аниқланган жиноятларнинг 75,3 фоизини товар, иш, хизматларни қиммат нархларда харид қилиш ҳолатлари ташкил этган.

Мисол учун, Департамент томонидан ўтказилган терговга қадар текширувларда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази мансабдор шахслари 9 турдаги лаборатория ўлчов ускуналари жамланмасини ўртача бозор қийматларидан 899,5 млн. сўмга қиммат нархда сотиб олиб, бюджет маблағларини талон-торож қилганлар.

⁷² Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мансабдор шахслари “Feru Invest Group” МЧЖдан 2 турдаги 8 дона компьютер техникаларини бозор конъюктурасидан кўра 561,3 млн. сўм қиммат нархларда сотиб олиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Консалтинг хизматлари ва тижорат шартномалари билан ишлаш бўлими мансабдор шахслари ҳамда “General Monitoring Company” МЧЖ раҳбарлари бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, харид комиссияси ҳужжатларини сохталаштириб, бозор баҳоси 716,0 млн. сўмни ташкил этувчи сервер ва компьютер техникаларини 1,2 млрд. сўмга, яъни 482,9 млн. сўмга қиммат нархларда сотиб олиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.⁷³

5. Давлат харидларида товарларни қиммат нархларда харид қилинишини ва бунинг натижасида бюджет буюртмачиси ва таъминотчи ўртасида “откат”лар олди-берди қилинишини, шунингдек коррупцияни олдини олиш ҳамда бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни жорий этиш мақсадида АҚШ тажрибасидан фойдаланишни, яъни бюджет ташкилотларига давлат харидларига оид хизматлар кўрсатувчи, давлат тасарруфидаги **тузилма** ташкил этиш таклиф этилади.

Мазкур тузилма давлат харидлари асосида (масалан: тендер савдоларини ташкил этиш орқали) йирик ҳажмдаги саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи харидини амалга оширади.

Тузилма доимий тарзда турли хилдаги товарлар ҳамда хизматлар учун конкурслар эълон қилиб туради ва унинг натижалари (нархлар, етказиб

⁷³ Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖКК Департаменти ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

бериш муддатлари ва бошқа шартлар) махсус каталогларга киритилади. Республика бўйлаб бюджет ташкилотлари маълум товар, иш ёки хизматларни харид қилиш зарур бўлганда, тузилма томонидан жўнатилган каталогдан зарурий товар ёки хизматни топиб, уни ҳеч қанақа ортиқча жараёнларсиз каталогда кўрсатилган шартлар асосида сотиб оладилар.

Бунинг натижасида бюджет ташкилотларини давлат харидларида иштироки билан боғлиқ харажатлари камайишига эришилади, буюртмачи ва таъминотчи корхоналар ўртасидаги коррупцион кўринишлар бартараф этилади, сабаби бюджет ташкилоти ўзи тўғридан-тўғри давлат харидларида иштирок этмайди. Бюджет ташкилоти ўрнига харидларни **тузилма** амалга оширади. АҚШда мазкур вазифани **Умумий Хизматлар Бошқармаси (General Services Administration)** томонидан амалга оширилади.

Амалиётдан шу нарса маълумки, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг самарасизлиги, ушбу соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун ҳужжатларини такроран бузилишига олиб келмоқда ва жавобгарликнинг таъсири сезилмаяпти.

Давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганлик учун таъсирчан жазо чораларини қўллаш. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган талабларга амал қилмаган ҳолда фаолият юритаётган буюртмачи ва иштирокчиларига нисбатан қонун ҳужжатларида (қонун ва кодекслар) таъсирчан жазо чораларини (маъмурий жавобгарликни ошириш, молиявий санкциялар қўллаш, жиноий жавобгарликка тортиш) кўришга қаратилган нормаларни киритишни тақазо этмоқда

6. Шунинг учун, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларида қонунбузилишнинг оғирлигига қараб ҳуқуқбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш, Жиноят кодексига давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарликни таъминловчи алоҳида модда жорий этиш таклиф қилинади.

Қонуннинг ⁷⁴ 18-моддасида Молия вазирлиги томонидан давлат харидларида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини ишлаб чиқиши ва юритилиши белгиланган бўлсада амалиётда **“инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини юритиш тизими”** мавжуд эмас. Натижада реестрга киритилган тадбиркорлик субъектларининг таъсисчилари, бенефициарлари томонидан ўз таъсисчилигидаги бошқа бир юридик шахс орқали харидлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда

7. “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш, юритиш ва реестрдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқиш ва унда:

- реестрга киритилган инсофсиз ижрочининг маълумотлари кўламини кенгайтириш ва аниқ белгилаш (ижрочиларнинг номи, раҳбари, таъсисчиси унинг улуши, СТИР маълумотлари, реестрга киритилиши асоси, киритган орган номи, киритилган вақти ва реестрдан чиқариб юбориш вақти);
- ижрочиларни реестрга киритишга оид аниқ тартиб-таомилларни (механизмни) батафсил белгилаб бериш;
- реестрга маълумотларни ахборот технологияларидан фойдаланиб киритиш механизмини ташкил этиш;
- тарафларни реестрга киритилганидан норозилиги мазмунидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини белгилашни таклиф этамиз. Бу билан харидлар жараёнида соғлом рақобат таъминланади ва ноҳалол ижрочиларнинг иштироки чекланади.

Шунингдек амалиётда тендер (танлов) савдолари натижасида ғолиб деб эътироф этилган тадбиркорлик субъектлари шартнома имзолангандан сўнг ишларни бажаришга субпудрат ташкилотларини жалб қилиш орқали коррупцион ҳолатлар вужудга келмоқда.

8. “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилиниб, унда тендер (танлов) ҳужжатлари

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни, 22.04.2021 йил

шартларига қурилиш ишларининг камида 60 фоизини ижрочининг ўз кучи билан бажариш мажбуриятини киритиш таклиф этилади.

Натижада пудратчилар ўртасида ўзаро келишиб олиш ҳаракатлари ва коррупция аломатлари бартараф этилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги амалий-ташкилий ва миллий конунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар

1. Молия соҳасидаги коррупциянинг турли кўринишларини барвақт аниқлаш ва фош этишни, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг молиявий разведка функциясини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш мақсадида,

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизими-(ДМБАТ)” платформасини;
- “UZASBO” порталини;
- Давлат Солиқ қўмитасининг “TAXATION” маълумотлар порталини; Давлат хизматлари марказининг тадбиркорлик субъектларига оид маълумотлар базасини;
- Давлат Божхона қўмитасининг божхона маълумотларини ўзида акс эттирган маълумотлар базасини;
- кўчмас мулк, транспорт воситаларига оид электрон платформаларни; давлат хизматчисининг даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини;
- охирги бенефициарларга оид маълумотлар базасини;
- Ички Ишлар вазирлигининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни ҳисобга олишга доир ахборот порталларини ўзида интеграция қилган ягона, сунъий онг орқали бошқарилувчи веб-портал яратиш ва уни назоратини Департаментга бериш.

2. Бюджет ташкилотларида ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблашга мўлжалланган “UZASBO” дастурининг маънан эскирганлиги, ходимларга ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш “қўл режими”да амалга ошириб келинаётганлиги молия соҳасида коррупциянинг авж олишига ва давлат маблағларининг ноқонуний

сарфланишида, талон-торож қилинишида асосий омиллардан бири бўлиб қолаётганлигини инобатга олиб “UZASBO” дастурини такомиллаштиришда маълумотларни таққослаш орқали камчилик ва номувофиқликларни топадиган “Масофавий назоратнинг смарт модули”ни ишлаб чиқиб, дастурга татбиқ этиш ҳамда ушбу модулни барча вазирлик ва идораларнинг дастурий мажмуаларига интеграция қилиш таклиф этилади.

3. Давлат молиявий назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган молия соҳасидаги оз миқдордаги талон-торожликлар содир этган ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортилишлари учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 264¹-моддасига тегишли ўзгартириш киритиб, Давлат молиявий назорати инспекциясига МЖтКнинг 61-моддаси билан баённома тузиш ваколатини бериш таклиф қилинади.

4. Давлат бюджети маблағлари оқимини ўзида акс эттирган ахборот манбаларини ягона веб-порталга интеграция қилиш ва ундан Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида олиб борилаётган камерал назоратда фойдаланиш имконини бериш.

5. Бюджет ташкилотларига давлат харидларига оид хизматлар кўрсатувчи, давлат тасарруфидаги **тузилма** ташкил этиш:

Тузилма давлат харидлари асосида йирик ҳажмдаги саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, иш-хизматлар учун конкурслар эълон қилади, уларнинг улгуржи харидини амалга оширади, товарларни(нархлар, етказиб бериш муддатлари ва бошқа шартлар) махсус каталогларга киритади, омборларида сақлайди. Бюджет ташкилотлари товар, иш ёки хизматларни харид қилиш зарур бўлганда, тузилма томонидан жўнатилган каталогдан зарурий товар ёки хизматни топиб, уни ҳеч қанақа ортиқча жараёнларсиз каталогда кўрсатилган шартлар асосида сотиб олади.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

(Изоҳ: қонунчиликка киритилиши тавсифланаётган таклифларнинг намунавий лойиҳаси иловада кўрсатилган)

6. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда қонунбузилишнинг оғирлигига қараб ҳуқуқбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш, Жиноят кодексига давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарликни таъминловчи алоҳида модда жорий этиш таклиф қилинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида белгиланган жазо тизимига «мусодара қилиш» санкциясини қўшиш. Мусодара қилиш - жиноят содир этган шахснинг мол-мулкани ҳақ тўламаслик шарти билан барчасини ёки бир қисмини суднинг қарори билан давлат мулкига қўшишдир. Мусодара қилиш – оғир ва ўта оғир жиноятлар, давлат ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, давлат бюджети маблағларини ўмариш, коррупциявий ҳамда терроризм жиноятлари бўйича қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали давлат харидлари амалга ошириладиган махсус ахборот порталида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган хавфларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги:

- маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш;
- қатнашчининг давлат харидларидаги иштироки тарихи (маҳсулот, хизмат етказиб берувчининг илгари иштирок этган танловлари, бажарган ишлари);
- қатнашчининг бенефициарлари ҳақидаги маълумотлар;
- буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликлар (қариндошлик, бирга таълим олганлик, меҳнат фаолияти ёки бизнес алоқалари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар).

- Автоматлаштирилган тизим орқали манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолларда автоматик равишда давлат хариди жараёнида битимга даъвогарнинг иштирокини чеклаш каби масалаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

9. Амалиётда бюджет ташкилотларида қўшимча тўловлар (*рағбатлантириш, устама, моддий ёрдам*) ҳисобланиши ва тўланишида турли меъёрий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарорлари)дан фойдаланилиши, бу борада ягона амалиётнинг мавжуд эмаслиги бюджет маблағлари ортиқча сарфланишига ва турли коррупцион ҳолатларга сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, қўшимча тўловлар ҳисобланиши ва тўланишига доир меъёрий ҳужжатларни унификация қилган ҳолда ягона меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиб, унда ходимларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча тўловларни амалга ошириш тартиботларини ҳам аниқ акс эттириш таклиф этилади.

10. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш, юритиш ва реестрдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқиш ва унда:

- реестрга киритилган инсофсиз ижрочининг маълумотлари кўламини кенгайтириш ва аниқ белгилаш (ижрочиларнинг номи, раҳбари, таъсисчиси унинг улуши, СТИР маълумотлари, реестрга киритилиши асоси, киритган орган номи, киритилган вақти ва реестрдан чиқариб юбориш вақти);

- ижрочиларни реестрга киритишга оид аниқ тартиб-таомилларни (механизмни) батафсил белгилаб бериш;

- реестрга маълумотларни ахборот технологияларидан фойдаланиб киритиш механизмини ташкил этиш;

- тарафларни реестрга киритилганидан норозилиги мазмунидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини белгилашни таклиф этамиз. Бу билан харидлар жараёнида соғлом рақобат таъминланади ва ноҳалол ижрочиларнинг иштироки чекланади.

11. Қурилиш соҳасида тендер (танлов) савдолари натижасида ғолиб деб эътироф этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан субпудрат ташкилотларини жалб қилиниши натижасида турли коррупцион ҳолатлар вужудга келаётганлигини ва уларни олдини олиш мақсадида, “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилиниб, унда тендер (танлов) ҳужжатлари шартларига қурилиш ишларининг камида 60 фоизини ижрочининг ўз кучи билан бажариш мажбуриятини киритиш таклиф этилади.

III. Халқаро ташкилотлар тавсияси бўйича:

12. Электрон харид танлови ғолиблари томонидан шартнома шартларини муддатида бажармаслик ёки мутлақо бажармаслик, шунингдек буюртмачи билан ноқонуний тил бириктириб шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган товарларни етказиб бериш ҳолатларини, бундан ташқари харидларга сарфланиши лозим бўлган давлат бюджети маблағларини нақдлаштириш ҳолатларини олдини олиш мақсадида бюджет буюртмачилари ва электрон савдолар ғолиблари ўртасида тузиладиган шартномалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга асосан тартибга солиниши ва қонунга қўйидагиларни ўзида жамлаган янги нормани киритиш лозим.

Жумладан: электрон харид иштирокчиси буюртмачи билан шартнома тузилгунга қадар шартнома суммасининг камида 20 фоизи миқдордаги маблағни ҳисоб-китоб клиринг палатаси махсус ҳисобрақамига закат сифатида қўйиши;

Агарда, электрон харид ғолиби томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирни закат суммасини буюртмачи ҳисобрақамига ўтказиб бериш ва бюджет ташкилотининг харидларни амалга оширишга масъул бўлган мансабдор ёки моддий жавобгар шахси ва харид ғолиби ўртасида ноқонуний тил бириктирилишини олдини олиш мақсадида закат

суммасининг 50 фоизини буюртмачининг харидларни амалга оширишга масъул бўлган ходимига бонус сифатида берилиши ҳақида қонунга норма киритиш.

Қонунга мазкур норманинг киритилиши билан “бир кунлик фирмалар”, “нақдлаштирувчи” хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат харидларига оид электрон савдоларда иштироки чекланади ҳамда буюртмачи ва таъминотчи ўртасидаги коррупциянинг турли кўринишларини олди олинади.

13. Тадбиркорлик субъекларининг давлат харидларидаги иштироки кенгайтириш, харидларини амалга оширишда рақобатли муҳит яратиш, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши таъминлаш, давлатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва энг асосийси тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали давлат харидларини амалга оширишда коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сонли Қарорида келтирилган, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган 45 турдаги товарлар рўйхатини 20 тургача қисқартириш, яъни қолган 25 турдаги товарларни харидини биржа савдолари орқали амалга оширишни йўлга қўйиш.

Шу билан бирга, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга оширишга оид нормани чиқариш.

14. БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенциясининг 26-моддасида ҳамда Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди бўйича тавсияларида ноқонуний ҳаракатлар учун юридик шахсларни жавобгарликка тортиш тавсия этилган. Бизга маълумки, давлатимиз ҳуқуқ тизимида юридик шахсларнинг жавобгарлиги тушунчаси мавжуд эмас. Шунинг учун, коррупцион жиноят содир этган шахс раҳбарлик қилаётган, ушбу шахс бенефициар ёки таъсисчи бўлган хўжалик юритувчи

субъектни давлат харидларида иштирокини чеклаш юзасидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига янги норма киритиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.;

1.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль;

1.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги 5969-сонли «Covid-19 пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;

1.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПФ-5729 Фармони;

1.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги 6013-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони;

1.6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий тарафларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон Қарори;

1.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли Қарори;

1.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Очиқ бюджет ахборот портали орқали жамоатчилик фирки асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5250-сонли Қарори;

1.9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-128-сон Қарори;

1.10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5446-сонли Фармони;

1.11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5624-сонли Фармони;

1.12 Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3953-сонли Қарори

1.13 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сонли «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

II. Китоблар, қўлланмалар, монографиялар ва тавсиялар

2.1 Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашга оид халқаро андозалар: хорижий ва миллий амалиёт. /Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Юристарлар малакасини ошириш маркази, 2012. -87 б;

2.2 Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 101-бет.;

2.3 Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2;>

2.4 Исмаилов Б.И. Имплементация норм конвенции ООН против Коррупции. // -Т.:Адвокат., 2016. № 2 С. 50-55;

2.5 Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции.//Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220с;

2.6 Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва ҳалқаро стандартлар тизими шаклланиши.// Ўқув қўлланма.-Т.:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019.-150 б;

2.7 Исмаилов Б.И. Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -290с;

2.8 Исмаилов Б.И. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции: практические аспекты его использования в Республике Узбекистан//Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2020. – 146 с;

2.9 Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в зарубежных странах.Методическое пособие.-Т.Центр повышения квалификации юристов.2017.-128;

2.10 Исмаилов Б.И. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши.//Монография.-Т.: Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б;

2.11 Исмаилов Б.И. Формирование международной и национальных систем противодействия коррупции. -Т.ЦПКЮ.2017. -93с;

2.12 Исмаилов Б.И. Халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари Ўқув қўлланмаси. -Тошкент: ЮМОМ. 2015.-129 б;

2.13 Исмаилов Б.И., Акилов О. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини имплементация қилиш соҳасидаги оид миллий қонунчилик таҳлили.//Халқаро шартномаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бўйича материаллар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастури. 2015 -48 б;

2.14 Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе.- Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -206 с;

2.15 Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Современные стратегии антикоррупционных реформ //Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 200 с;

2.16 Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Правовые основы привлечения юридических лиц к ответственности за коррупционные правонарушения в зарубежных странах//Учебное пособие. -Т.: ЦПКЮ, Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2020. -269 с;

2.17 Йўлдошев Н. Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолати. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 2-7 бб;

2.18 Кабилов Ш.Р. Инструментарий по противодействию коррупции. Ответственный редактор д.ю.н., проф. К.Р.Абдурасулова. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – 96 с.;

2.19 Клеменчич Г., Стусек Я. Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. 2006. – С. 10;

III. Мақолалар, маърузалар, тезислар,

3.1 Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусидаги тўплам.-Т.:ТДЮУ, 2021.386 б;

3.2 Мелиев Х. Коррупция ва унга қарши кураш соҳасида янги босқич. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 03(135)/2017-сон. 26-27 бб;

3.3 Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. «Ёш олимлар минбари». Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд. М.М.Мамасиддиқов.-Т.: “Lesson press”. 2021.-428 б;

3.4 Тўлаганова Г. Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 30-33 бб;

3.5 «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги Республика 27-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30-апрель 2021 йил. –Тошкент: «Тадқиқот»,2021.-73б;

3.6 Ходжаева А. Коррупция: унга қарши курашда халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 11/2017-сон. 60-61 бб;

3.7 Kaufmann, Daniel, Aart Kraay, and Massimo Mastruzzi (2007): Governance Matters VI: Governance Indicators for 1996-2006, World Bank Policy Research, Working Paper WPS 4280;

3.8 Treisman, D. (2000): The causes of corruption: A cross-national study. Journal of Public Economics, 76, 399–457;

3.9 Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. О предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/ЕЕС);

3.10 Miller, Terry, Kim R. Holmes, with Anthony B. Kim, Daniella Markheim, James M. Roberts and Caroline Walsh (2008): 2008 Index of Economic Freedom, Washington, DC; -401p.;

3.11 Assessment report on compliance with International standards in the anticorruption (ac) area.2014; www.coe.int/corruption;

3.12 Matherials: “Ethics for the prevention of corruption in Turkey”; Academic researches on public ethics. Volume 2. www.tornatasarim.com.

IV. Диссертация ва авторефератлар

4.1 Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки (Уголовно-правовые аспекты) : автореферат дис. ... канд. юрид. наук -Ташкент, 1994;

4.2 Пулкарров А.В. «Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупции в сфере здравоохранения» диссертация. Москва.2013;

4.3 Балебанова Т.А. «Современное состояние коррупции в здравоохранении России и меры ее предупреждения: криминологическое исследование» автореферат. Москва. 2013;

4.4 Савенко И.А. «Коррупционные преступления и меры их предупреждения: На материалах Краснодарского края» диссертация. 2006;

4.5 Плохов С.В. «Противодействие коррупционной преступности в социальной сфере: на примере здравоохранения и образования Волгоградской и Саратовской областей» автореферат. Саратов. 2013;

4.6 Сторчилова Н.В. «Коррупция в органах внутренних дел и ее предупреждение» автореферат. Москва. 2010;

4.7 Соловьев А.П.. Предупреждение преступлений в сфере здравоохранения : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / Соловьев Александр Павлович.- М., 2007.- 192 с;

4.8 Aleksandr V. Ashcheulov. On the Effect of the Shadow Economy on the Development of the Region. Российское предпринимательство, 2011, № 2 (1);

4.9 Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики. № 4 (40).2011 -40 стр.

V. Хорижий манбаалар

5.1 “Стратегия планирования антикоррупционных защитных мер при проведении крупных публичных мероприятий ” 2018, 131 pages;

5.2 Adam Graycar and David Jancsics “Gift Giving and Corruption” Articl, 2017;

5.3 Lewis, M.&Pettersson,G. “Governance in health care delivery: raising performance. World Bank Policy Research Working Paper 207;

5.4 Vain,T. “Review of corruption in the health sector: theory, methods and interventions” 2007, 12 pages;

5.5 Cohen,J. Mrazek, Havkins,L. “Corruption and pharmaceuticals: strengthening good governance to improve access” Article, 2007, 38 pages;

5.6 Campos, J.E,Pradhan,S. The Many Faces of Corruption: Tracking Vulnerabilities at the Sector Level. World bank,Washington, 2007.450 pages;

5.7 Di Tella,R&Saveoff,W. Diagnosis Corruption: Fraud in Latin America’s Public Hospitals, 2001. 225 pages;

5.8 Lackó Mária (1996): Hidden economy in East-European countries ininternational comparison, Laxenburg: International Institute for Applied Systems

Analysis (IIASA), working paper. -146-149pp.;

VI. Интернет сайтлар

6.1 <https://www.icqc.eu/index.php?choosed=ru/certification/european-antifraud-office;>

6.2 <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats7/sent12.htm;>

6.3 http://www.erudition.ru/referat/printref/id.22569_1.html;

6.4 http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja_istorija/doc.;

6.5 [www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.;](http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.)

6.6 [www.accaglobal.com;](http://www.accaglobal.com)

6.7 [www.theworldbank.org;](http://www.theworldbank.org)

6.8 [https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/;](https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/)

6.9 [www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar;](http://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar)

6.10 [https://www.coe.int/en/web/greco/about-greco;](https://www.coe.int/en/web/greco/about-greco)

6.11 [https://www.fatf-gafi.org/pages/moneyval.htm;](https://www.fatf-gafi.org/pages/moneyval.htm)

6.12 [https://www.iaaca.net/;](https://www.iaaca.net/)

6.13 [https://www.oecd.org/general/38464001;](https://www.oecd.org/general/38464001)

6.14 [https://www.accaglobal.com/gb/en.html;](https://www.accaglobal.com/gb/en.html)

6.15 [https://egmontgroup.org/en/search/google/shadow%20economy;](https://egmontgroup.org/en/search/google/shadow%20economy)

6.17 [https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/141;](https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/141)

6.18 [www.zakon.kz.](http://www.zakon.kz)

ИЛОВА

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) Кодекснинг 43-моддасига қўшимча киритилсин:

“и) мусодара қилиш – жиноят содир этган шахснинг мол-мулкини ҳақ тўламаслик шарти билан барчасини ёки бир қисмини суднинг қарори билан давлат мулкига қўшиши”;

2) Қуйидаги мазмундаги 175¹-модда билан тўлдирилсин.

175¹-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларида белгиланган давлат хариди билан боғлиқ талабларни қасддан бузиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса ёхуд шундай реал хавфни вужудга келтирса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум етилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такоран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир етилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир етилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда шахс жазодан озод етилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 01 апрелда қабул қилинган 2013–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165, 182-моддалар; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384, 385-моддалар; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 498,*

501-моддалар; 2007 й., 14-сон, 134, 134-моддалар, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504, 512-моддалар, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда, 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555, 557-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313, 317-моддалар, 38-сон, 329-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(1)-сон, 32-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон, 10.2018 й., 03/18/495/2029-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон, 01.11.2019 й., 03/19/577/3975-сон, 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон, 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон, 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон; 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон, 27.10.2020 й., 03/20/643/1410-сон, 06.11.2020 й., 03/20/645/1469-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон, 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 31.12.2020 й., 03/20/660/1682-сон; 13.01.2021 й., 03/21/665/0015-сон, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон, 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон; 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 24.08.2021 й., 03/21/710/0815-сон; 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон; 05.10.2021 й., 03/21/719/0929-сон; 05.10.2021 й., 03/21/720/0930-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон; 01.12.2021 й., 03/21/734/1113-сон; 11.01.2022 й., 03/22/743/0010-сон; 12.01.2022 й., 03/22/744/0011-сон; 16.02.2022 й., 03/22/753/0133-сон; 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон, 12.03.2022 й., 03/22/758/0207-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон; 12.04.2022 й., 03/22/762/0290-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1). МЖТКнинг 264¹-моддасига қўйидаги тартибда ўзгартириш киритилсин:

264¹-моддасининг биринчи қисмидаги “ушбу кодекснинг” сўзларидан кейин 61-модда сўзлари билан бошлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ—684-сонли Қонунига қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1). Қонуннинг 71-моддаси (Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби) 3-қисмидан “**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида**” деган сўзларни чиқариб ташлансин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. Мирзиёев